БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши
№ 53 (11.499).

3 март, пайшанба, 1960 йил.

Баҳоси 20 тийин.

БИЗНИНГ ДАВРИМИЗДА ХАЛҚЛАР ИРОДАСИ— ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧДИР

ПРОПАГАНДАНИНГ ТАЪСИРЧАН ТАРМОҒИ

Партиямизнинг XX ва XXI съездларидан кейин мамлакатда ғоявий ҳаёт анча активлашди ва янги босқичга кўтарилди. Коммунистик идеологияни пропаганда қилиш тағин ҳам жонли тус олди ва бу иш хилма-хил формаларда олиб борилади ган бўлиб қолди. Пропагандаларнинг таъсирчанлиги, уюштирувчилик ва сафарбар қилувчилик роли ошди. Партия пропагандасининг таъсирчанлиги биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг амалий натижаларида намоён бўлди. Буни ўтган йили республикамиз халқ хўжалиги тармоқларида қўлга киритилган катта ғалабалар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

1959 йилда — етти йилликнинг биринчи йилида саноат ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари бажарилди. Пландан ташқари бир неча юз минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Маҳсулот ишлаб чиқариш 9 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 6 процент ошди. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик мислсиз ривожланди. Пахтачиликнинг бутун тарихи давомида энг юқори ҳосил етиштирилиб, она-Ватанга 3 миллион 163 минг тонна «оқ олтин» сотилди.

Бу йил республикамиз халқ хўжалиги янада равнақ топади. Режаларимиз яна ҳам улкан, вазифаларимиз тағин ҳам катта ва масъулиятли.

Республикамиз меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йили учун белгиланган топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, зўр активлик ва фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Пропаганда ишимизнинг асосий йўналиши ҳам шунга қаратилган. Бу табиий. Негаки, бизнинг ҳамма муваффақиятларимиз аввало ғоявий чиниқишимизга боғлиқ.

Партия ташкилотлари олиб бораётган лекция пропагандаси идеология ишининг муҳим таркибий қисмидир. Кейинги вақтларда республикамизда лекция пропагандасини кучайтириш юзасидан бирму н ч а ишлар қилинди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида ўқилаётган лекциялар ҳаёт билан — улкан хўжалик вазифалари билан узвий боғланган ҳолда олиб борилмоқда. Лекциялар энди қироатхонликка, цитаталар йиғиндисига ўхшамайди, унда ҳаёт томири жўш уриб турибди.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари лекция пропагандасини олиб боришда пропаганда ва агитациянинг хилма-хил методлари ҳамда васиталаридан фойдаланмоқдалар. Бу жиҳатдан Фарғона область партия комитети амалга ошириб келаётган тадбирлар диққатга сазовордир. Лекцияларнинг тематик доираси анча кенгайиб, марксизм-ленинизм назарияси, коммунистик ахлоқ, саноат ва қишлоқ хўжалик экономикаси, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларнинг тажрибалари, фан ва техника муваффақиятлари сингари актуал масалаларни ўз ичига олади. Лекторлар асосий эътиборни меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги руҳида, эскилик қолдиқларига қарши кескин кураш руҳида тарбиялашга қаратмоқдалар.

Аммо, лекция пропагандаси ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек ташкил этилган дейиш нотўғри бўлур эди. Айрим область ва район партия комитетлари лекция пропагандаси билан шуғулланишни сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятлар зиммасига юклаб қўйиш билан хотиржамланмоқдалар. Кўп ҳолларда лекция пропагандасининг кўлами ва мазмуни ҳозирги талаблар даражасига кўтарилмаётир. Лекцияларда кўпинча назария билан практика бир-бирига боғланмайди, маълум назарий ҳақиқатлар мавҳум-догматик тарздагина баён этилади. Қорақалпоғистон АССРнинг айрим районларида аҳвол шундай. Колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, маҳсулот таннархини камайтириш, пахтадан мўл ҳосил олишнинг илғор усулларини оммалаштириш, чорвачилик, богдорчиликни ривожлантириш юзасидан лекциялар кам ўқилади.

Лекторлар орасида фақат ўз модний манфаатини кўзлаб, кунига икки-уч темада пуллик лекция ўқиётган «универсал» кишилар ҳали ҳам учраб турибди. Бундай лекторларнинг қироатхонлиги, ўта «билимдон»лиги тингловчиларнинг ғашига тегаётир.

«Бутун пропаганда — деб таълим беради В. И. Ленин,—**хўжалик қурилишининг сиёсий тажрибасига асосланмоғи лозим».** КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари» тўғрисидаги тарихий қарорида ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган XV съездида пропаганда ишлари савиясини улуғ Ленин кўрсатмалари асосида юксак даражага кўтариш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шунга кўра, лекция пропагандасининг мазмуни меҳнаткашларни етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишга бўйсундирилиши лозим.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари лекция пропагандасининг тематик доирасини кенгайтиришлари, унинг таъсирчанлигини оширишлари зарур. Лекцияларда халқимиз ва партиямиз манфаатларининг бирдиги чуқур акс этган бўлсин. Бунинг учун лекторликка олимлар, инженер-техниклар, ўқитувчилар, врачлар, агрономлар, зоотехниклар, ишлаб чиқариш новаторлари ҳамда партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини кўпроқ жалб этиш керак.

Лекторий, савол-жавоб ва тематик кечалар, маданият университетлари ишларини яхшилаш, ғоявий савиясини ошириш керак. Лекция ёки суҳбат ўтказишда кўргазмали қуроллардан фойдаланишга жиддий эътибор бериш лозим.

Совет халқи ва тараққийпарвар инсоният шу йилнинг апрелида В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллигини зўр ифтихор билан тантанали равишда нишонлайди. Улуғ доҳиймизнинг ҳаммага намуна бўлган жанговар ҳаёти ва буюк революцион фаолияти тўғрисида тематик лекциялар ўқишни системали олиб боришга раҳбарлик қилиш партия ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Корхоналарда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда, маҳаллаларда, хуллас, аҳоли яшайдиган ҳамма жойда тингловчиларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, партия тарихи, ички ва ташқи сиёсат масалаларига доир сермазмун лекциялар ўқишни ташкил этиш партия пропагандасини яхшилашнинг муҳим талабларидандир.

Лекцияларимиз меҳнаткашларни коммунистик қурилишнинг янги зафарлари сари руҳлантирадиган даражада таъсирчан бўлсин!

В. И. ЛЕНИН КУНЛАРИ ОЛДИДАН

Тошкентдаги 3-босмахона коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги муносабати билан А. Луначарский, Г. Кржижановский, М. Горький, Бонч-Бруевич ва бошқаларнинг доҳий ҳақидаги хотираларини кўллаб тиражларда брошюра қилиб чиқармоқда. СУРАТДА: муҳова цехининг ишчиси Т. Шодмонова Г. Кржижановскийнинг Ленин ҳақидаги хотираси босилган брошюрани кўздан кечирмоқда.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

Калькуттада Н. С. ХРУШЧЕВ шарафига граждан қабул маросими

КАЛЬКУТТА, 1 март. (ТАСС). Бугун Калькуттадаги Ранджи стадионида СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев шарафига оммавий граждан қабул маросими бўлди.

Стадион трибуналари Калькуттанинг минглаб аҳолиси билан лиқ тўлди. Совет халқининг вакилини табриклаш учун бу ерга Ғарбий Бенгалия пойтахтининг докерлари ва тўқимачилари, Калькуттадаги жуда кўп олий ўқув юртларининг студентлари ва профессорлари, савдо-саноат доираларининг вакиллари ва санъат ходимлари келдилар.

Никита Сергеевич Хрушчев ва Жавоҳарлал Неру трибунага чиқанларида ҳамма ўрнидан туриб, уларни гулдурос овация билан табриклайди. Яшасин Хрушчев! Яшасин Ҳиндистон-Совет дўстлиги! Яшасин бутун дунёда тинчлик! деган хитоблар эшитилади.

Шунингдек, А. А. Громико, Н. А. Михайлов, Г. А. Жуков, С. А. Скачков, Т. Ў. Ўлжабоев, Т. А. Тоирова, Ғарбий Бенгалия штатининг губернатори Найду хоним, штат бош министри Б. Ч. Рой ва бошқа кишилар ҳам трибунага чиқадилар.

Шаҳар мэри В. К. Банержи СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевга мурожаат қилиб, Калькутта аҳолиси номидан табрикнома ўқиб беради.

Сўнгра мэр Банержи Н. С. Хрушчевга эсдалик совғалари тақдим этади. Совғалар орасида бенгалиялик улуғ ёзувчи Рабиндранат Тагорнинг портрети ҳам бор.

Никита Сергеевич Хрушчев ва Ж. Неру нутқ сўзлайдилар.

Граждан қабул маросими тамом бўлади.

Н. С. Хрушчевга ва Ж. Неруга каптарлар берилади. Улар бу каптарларни Калькутта осмонига учирадилар. Совет Иттифоқи гимни ва Ҳиндистон Республикаси гимнининг тантанали оҳанглари жаранглайди.

Граждан қабули Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикаси халқлари ўртасидаги мустаҳкам ва бузилмас дўстликнинг ёркин намойишига айланди.

Н. С. ХРУШЧЕВ Калькуттадан жўнаб кетди

КАЛЬКУТТА, 2 март. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари бугун Калькуттадан Кобилга самолётда учиб кетдилар.

Н. С. ХРУШЧЕВ Кобилга келди

КОБИЛ, 2 март. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари бугун дўстлик визити билан Кобилга келдилар.

ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ КЎПАЯДИ

Ўтган йили пахта теришни машиналаштиришда бурилиш йили бўлди. Чунки ҳеч қачон ҳосилнинг ўндан бир қисмини машина териб бермаган эди. Бу йил эса ярим миллион тонна пахта машинада терилади. Бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводи коллективига боғлиқ. Ташсельмашчилар бу масъулиятли вазифани бажаришга йил бошиданоқ белни маҳкам боғлаб киришдилар.

Шу кунларда заводга кирган киши қизғин ижодий иш устидан чиқади. Бу ерда 20 та коллектив коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш номзодидир. Ўртоқ Скоробогатов бошлиқ слесарь-йиғувчилар бригадаси ишчилари январь ойида пландан ташқари 9 та, февраль ойида эса 10 та машина қисмларини йиғдилар.

Йиғув ва 14-цехлар реконструкция қилина бошланди. Йиғув цехига 5 та конвейер ўрнатилиб, ҳамма иш процесслари механизациялаштирилади. Барча цехларда тайёрланган машина деталлари ана шу цехда йиғилиб синовдан ўтказилгач, тўғри пахтакорларга жўнатилади.

Бундан ташқари шпиндель-барабан цехи қурилаётир. Бу цехда ўрнатиладиган 9 конвейер бир кеча-кундузда вертикаль ёки горизонталь шпинделли 14 та машина ишлаб чиқара олади.

Бироқ, машинасозларнинг ҳозирги ишларини қўнгилдагидек деб бўлмайди. Цех ва участкаларда ҳанузгача қўпгина оғир ишлар механизациялаштирилмаган. Эскириб қолган асбоб-ускуналарни модернизациялаш суст бораётир. Ўнлаб кишининг ишини қиладиган мураккаб конвейерлар бекор ётибди. Оқибатда ҳар бир машинанинг таннархи пландагидан анча ортиб кетаётир.

Баъзи машиналар сифатсиз бўлганлиги учун қабул қилинмаётир. Яқингинанинг ўзида 108 машинадан 70 таси қайтарилди. Қуюв цехининг маҳсулоти етишмайди, сифати паст. Темирчилик-пресслаш цехига ўтган йили келтирилган конвейерлар фойдаланилмай занг босиб ётибди.

Завод билан пахта териш машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси бирлашган бўлса-да, конструкторлар ва машинасозлар ўртасида ижодий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаган. Ишлаб чиқариш-техника кенгашлари бирга ўтказилиб, муҳим техникавий проблемалар бамаслаҳат ҳал этилмайди.

Ташсельмашчилар ўз зиммаларига катта мажбурият олганлар. Улар йил охиригача пландан ташқари 530, ҳаммаси бўлиб 3 мингдан ортиқ пахта териш машинаси ишлаб чиқаришга сўз берганлар.

Ҳозир Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Турсуной Охунова, Валентин Тюпко ва Меликўзи Умурзоқовларнинг юзлаб издошлари механизаторлик касбини эгалладилар, «ХВС-1,2» сиздан, ҳизмат биздан» деб, ишга шай бўлиб турибдилар. Шундай экан, «Ташсельмаш» заводининг ишчан, аҳил коллективи пахтакорлар олдида юзини ёруғ қилиши керак.

Ж. АБДУРАҲМОНОВ.

УЗБЕКИСТОНДА «ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ

Республикамизда «Ёш гвардия» номли янги нашриёт ташкил қилинди. Бу нашриёт ёшлар учун, мактаб ёшидаги ва мактабгача бўлган болалар учун сиёсий ва бадиий адабиётлар босиб чиқаради.

1960 йил 1 мартда Калькуттадаги гражданлик қабули маросимида

Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Ҳурматли бош министр Неру жаноблари!

Ҳурматли губернатор Найду хоним!

Ҳурматли биринчи министр Рой жаноблари!

Калькутта шаҳрининг ҳурматли мэри Банержи жаноблари!

Шонли Калькутта шаҳрининг ҳурматли гражданлари!

Сизнинг шаҳрингизни учинчи марта келиб кўриш ва шу қадар оммавий йиғинда ёки сизлар гражданлик қабули деб атайдиган йиғилишда сизлар билан яна учрашиш менга катта ҳузур бағишлайди.

Сизларни Совет Иттифоқи халқлари номидан, Совет ҳукумати номидан, шахсан ўз номимдан чин кўнгилдан табриклашга ва сизларга мамлакат экономикасини ва халқнинг турмуш даражасини юксалтириш учун, Ҳиндистон республикасининг маданиятини ривожлантириш ва унинг равнақи учун курашда янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Бирма ва Индонезияга қилган сафаримиздан қайта туриб, бугун биз сизларнинг шаҳрингизга келдик. Сизларга маълумки, февраль ойининг ўрталарида мен сизларнинг мамлакатингизда бироз вақт туриб, бир неча саноат ва қишлоқ хўжалик марказларини бориб кўрган эдим. Дўстона Ҳиндистонда бизни қўрсандлик билан, қардошларча кутиб олдилар ва бундан биз ғоят мамнун бўлдик.

Шу нарсани айниқса хурсанд бўлиб қайд қилишим керакки, Ҳиндистон Республикасининг бош министри билан менинг ўртамда бўлган фикр олишув менда жуда яхши таассурот қолдирди. Шу учрашувлар ва суҳбатлар натижасида менда шундай қатъий фикр туғилдики, халқаро сиёсатнинг, асосий масалаларини тушунишда бизларнинг ўртамизда жуда кўпгина умумийлик бор, энг муҳим халқаро проблемаларда бизнинг позицияларимиз бир-бирига тўғри келмоқда. Бу ҳол мамлакатларимиз вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва бошқа халқаро ташкилотларда биргаликда ҳаракат қилаётганлигида ўз ифодасини топаётганлигини айтиб ўтган эдим.

Бутун дунёда халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш учун кураш масалаларида бизнинг қарашларимизда бирлик борлигини айниқса хурсандчилик билан қайд қилмоқ керак. Тинчликни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бутун ер юзидаги халқларни тўлқинлантириб турган асосий масаладир.

Баъзи масалаларда нуқтаи назарларимиз турлича бўлиши мумкинлиги табиийдир, лекин биз буни тушунишимиз, бунга сабр ва чидам билан қарашимиз, ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир халқнинг ўзига хос манфаатларини реал равишда ҳисобга олишимиз лозим. **(Қарсаклар).**

Социал тузуми турлича бўлган бизнинг мамлакатларимиз дўстона муносабатларни ривожлантириб ва мустаҳкамлаб бораётганликларининг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, Совет Иттифоқининг ва Ҳиндистон Республикасининг ташқи сиёсати тинч-тотув яшашнинг улуғ принципларига асосланмоқда. **(Қарсаклар).**

«Панча шила» принципларини Осиё, Африка, Европа ва бошқа қитъалардаги кўп мамлакатларнинг халқлари тан олдилар ва қўллаб-қувватламоқдалар. **(Қарсаклар).** Ўткир халқаро масалаларни тинч йўл билан, музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш учун қатъият ва ғайрат билан курашаётган Ҳиндистон ҳукумати ва шахсан бош министр Неру жаноблари жуда катта роль ўйнаётганликларини хурсандлик билан қайд қиламиз. **(Қарсаклар).** Улуғ ҳинд халқи яппи тинчлик учун, халқларнинг сиёсий, диний маслакларидан, ирқий тафовутларидан қатъи назар улар ўртасида дўстона муносабатлар бўлиши учун фидокорона курашаётганлигини бизнинг мамлакатимиз халқлари яхши биладилар. Шу билан бирга, биз совет халқининг тинчликни ҳимоя қилиш йўлида сарфлаётган куч ва ғайратига Ҳиндистонда юксак баҳо берилаётганлигини яна бир марта кўриб бунга қаноат ҳосил қилдик. Ҳозирги замоннинг туб проблемаси соҳасида қарашларимизда бўлган бу бирликнинг ўзи бизнинг дўстлигимизни мустаҳкамламоқда. Шунинг учун ҳам ҳиндларнинг «Хинди-руси, бхай-бхай» деган сўзлари ҳар бир совет кишисининг ва ҳар бир ҳинд кишисининг қалбидадир. **(Узоқ давом қилган гулдурос қарсаклар).**

Азиз дўстлар! Калькутта шаҳрининг гражданлари! Атом ва водород бомбалари, қитъалараро ракеталар сингари даҳшатли вайронкор қурол мавжуд бўлиб турган ҳозирги замон шароитида қуролсизланиш масаласи халқаро турмушнинг энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масаласи эканлигини сизлар тушуниб турибсиз, албатта. Совет Иттифоқи жаҳоннинг ҳарбий жиҳатдан энг қудратли давлатидир. Лекин Совет Иттифоқи шундай қудратли бўла туриб, на дипломатияда, на сиёсатда қурол кучидан фойдаланишни истамайди ва ёппасига ва батамом қуролсизланишни биринчи бўлиб таклиф қилмоқда. **(Қарсаклар).**

Сизларга маълумки, Совет Иттифоқи ҳукумати қуролсизланиш реал иш бўлиб қолсин деб, одамзод қуролсиз ва урушларсиз яшайдиган бўлсин деб қуролсизланиш проблемасини тўхтаб қолган нуқтасидан ниҳоят силжитиб юбормоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқда. **(Қарсаклар).** Ўтган йил сентябрь ойида Совет ҳукумати ёппасига ва батамом қуролсизланиш программасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг муҳокамасига тақдим қилди. Ҳиндистон ҳукумати бизнинг таклифларимизни маъқуллаб қутиб олганлиги ва унинг вакили Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бу таклифларни қувватлаб чиққанлиги учун миннатдормиз.

Совет Иттифоқи қуролсизланиш тўғрисидаги таклифларни киритиш билангина чекланиб қолмай, бу таклифларни амалда рўёбга чиқариш йўлида конкрет қадамларни ҳам биринчи бўлиб қўйди. Шу йил январь ойида СССР Олий Совети Совет Иттифоқи Қуролли Кучларини ўз ташаббуси билан 1200 минг киши миқдорида, яъни ўз Қуролли Кучларининг 1/3 қисмини қисқартиш тўғрисида қонун қабул қилди.

Биз ҳамма мамлакатларни қуролсизланишга чақираётганлигимизнинг яна бир сабаби ҳам шуки, ҳозирги вақтда ҳарбий мақсадлар учун қилинаётган унумсиз харажатлар тариқасида «банд бўлиб ётган» жуда катта маблағлар қуролсизланиш натижасида бўшаб қолади. Батамом ва ёппасига қуролсизланиш программаси қабул қилинган тақдирда, иқтисодий ёрдамга муҳтож бўлган мамлакатларнинг халқлари бундай ёрдамни анча кўп миқдорда оладиган бўлиб қолур эдилар. Шу тариқа тараққиёт иши тезроқ олдинга силжиган бўлур эди. Батамом ва ёппасига қуролсизланиш ер юзида тўла амалга оширилади ган бўлса, бунинг натижасида улуғ XX аср фан ва техникасининг ҳамма муваффақиятлари инсонларга, уларнинг моддий ва маънавий ўсишига тўла равишда хизмат қиладиган бўлиб қолади.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун фақатгина турли ҳукуматларгина кураш олиб бораётганлари йўқ. Бизнинг замонимизда халқларнинг иродаси ҳал қилувчи кучдир. Тинчлик тарафдорларининг сафлари турли мамлакатларда ўсиб бормоқда. Ҳатто яқиндагина халқаро кескинликни сақлаб қолишга ўжарлик билан интилаётганлар орасида ҳам тинч-тотув яшаш идеялари эътироф қилина бошлади. Халқларнинг тинчлик учун олиб бораётган кураши таъсир ўтказаётганлиги натижасидагина илгари кескин халқаро муносабатларга ўжарлик билан тарафдор бўлиб келаётганларнинг баъзиларининг «миясида» мана шундай «ўзгариш» вужудга келмоқда. Ҳозирги вақтда тинчликка қарши чиқиш халқлар иродасига қарши чиқиш демакдир. **(Қарсаклар).**

Азиз дўстлар! Сизларнинг мамлакатингизга ва сизларнинг шаҳрингизга биринчи марта келиб кетганимдан бери орада тўрт йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Шу қисқа муддат ичида Ҳиндистонда катта ўзгаришлар рўй берди, миллий экономиканы ва маданиятни ривожлантиришда анча муваффақиятлар қўлга киритилди. Суратгархдаги давлат фермасини ва Бхиландаги металлургия заводини бориб кўриш менда жуда кучли таассурот қолдирди. **(Қарсаклар).**

Ҳиндистон ҳукумати қишлоқ хўжалигида машиналаштирилган йирик давлат фермалари тузишга катта аҳамият бермоқда, биз Ҳиндистон ҳукуматининг бу фикрига қўшиламиз. Механизациялаш йўли билангина меҳнат унумдорлигини ошириш мумкин. Бўлак-бўлак қисмларга парчаланган ерларда эмас, балки йирик хўжаликлардагина қишлоқ хўжалик меҳнатини механизациялаштириш учун имконият туғилади.

Сизларнинг ривожланишдаги қийинчиликларингизни тушунамиз, чунки биз ҳам шундай даврни бошимиздан кечирганмиз. Қишлоқ хўжалигини қайта қуриш масаласини сизлар билан биз турлича ҳал қилмоқдамиз, албатта. Совет мамлакатида бу масалани ҳал қилишнинг тўғри йўли — коллектив хўжаликлар ташкил этиш йўли топилган. Биз бу йўлдан мамнунмиз, чунки бу йўл бизни шундай натижаларга олиб келдики, биз бу натижалар билан фахрланамиз. Лекин биз ўз йўлимизни сизларга ёки бошқа бирор мамлакатга қабул қилинглар деб қистаётганимиз йўқ.

Сизлар бошқача социал асосда янги техникани ва фан муваффақиятларини татбиқ қилиб, йирик хўжаликлар тузиш йўли билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларини ўзингизча ҳал қилмоқдасиз. Сизларга қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ва халқнинг турмуш даражасини оширишда чин кўнгилдан жуда яхши муваффақиятлар тилаймиз. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги тажрибаларимиз бирор даражада фойда етказадиган бўлса, биз бу тажрибаларни бажонидил ўргатамиз.

Бхилаини бориб кўриб айниқса хурсанд бўлганлигимни ва Бхилаини кўриш менинг йигитлик чоғларимни, Донбассда меҳнат фаолиятини бошлаган кунларимни эслатганлигини гапириб ўтган эдим. Мен катта заводларда бўлишни яхши кўраман. Катта заводлар кишида қандайдир алоҳида кайфият туғдиради. Бхилаи цехларида бўлган вақтимда қалбимда қандайдир ажиб сездар туғилди. Машиналардаги қудратни айтмайсизми! Мартен, домна цехлари куч ва олов билан нафас олиб турибди, мана шу нафасда эса, Ҳиндистон халқининг қудратли дилидан чиқаётган нафас сезилиб турибди. Домна печлари ва мартенлар олдида ишлаётган кишилар ишчилар, инженерлар, техникларнинг катта коллективи ҳар кун янгилик яратмоқдалар. Улар рудани металлга айлантирмоқдалар, ундан керакли буюмлар ясамоқдалар. Улар бамисоли эски тиргакларни бузмоқдалар, янги, тағин ҳам такомиллашган тиргаклар билан уларни алмаштирмоқдалар, чунки янгилик бўлмаса олдинга ҳаракат қилиб бўлмайди. Бу ерда — Бхилаида фақат металлгина яратилаётгани йўқ, у ерда янги кишилар вужудга келтирилмоқда, буниг аҳамияти эса металл ишлаб чиқаришнинг аҳамиятидан кам эмас. **(Гулдурос қарсаклар).**

Сизларнинг янги қурилишларингиз учун фан ва техниканинг юксак талабларига жавоб берадиган энг замонавий ускуналар тайёрлаб бераётган совет заводларининг ишидан мамнунмиз.

Совет кишилари Совет Иттифоқининг сизларнинг мамлакатингизга келиб заводларингизни қуришда ёрдамлашган, ўз тажрибаларини Ҳиндистон ишчилари ва инженерларига ўргатган ва ўргатаётган ишчиларининг, мутахассисларининг қилаётган меҳнатидан мамнундирлар. Мана шундай дўстона ҳамкорлик натижасида ҳинд мутахассисларининг билимлари ошаётганлигидан ҳам мамнунмиз. Совет ва ҳинд ишчилари, мутахассислари ўртасидаги дўстона муносабатлар пўлат сингари тобланаётганлигига хурсандмиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ўсиб ва ривожланиб бормоқда. Бу йўлда қилинган ишлар қиладиган ишларимизнинг бошланғичидир, холос. Бу ҳамкорлик ҳамма соҳаларда — экономика, маданият соҳаларида, ўзаро ёрдамлашиш масалаларида, халқаро ишларда, тинчлик учун олиб бораётган кураша ривожлана берса, биз бунга қувонамиз. **(Қарсаклар).**

Эндиликда Ҳиндистон Республикасининг халқи оғир индустрияни вужудга келтирмай туриб, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, бинобарин эса, сиёсий мустақилликни ҳам мустаҳкамлаш йўлидан бориш мумкин эмаслигини ўз тажрибасида кўриб ишонмоқда. Албатта, бу осон йўл эмас, лекин бирдан-бир тўғри йўлдир. Ҳинд халқи қийинчиликларни енга олишига аминмиз. **(Қарсаклар).** Ноумидлар бунга ишонмасалар ишонмай қўяқолсинлар, лайча итлар вакилласа вакиллай берсин, аммо ҳинд фили ўзи топган йўлдан бораверади. **(Қарсаклар).**

Бир нарса менинг эсимга тушди: Ҳиндистон биринчи беш йилликни амалга оширишга киришганида баъзи жойларда, сизларнинг бу ишингиздан ҳеч бир натижа чиқмайди, чунки бунинг учун сизларда тажриба ҳам, билим ҳам етишмайди, деб даъво қилувчи шахслар бўлган эди. Лекин турмуш узоқни кўролмайдиган ўша фолбинларнинг шармандасини чиқарди. Ҳиндистон биринчи беш йилликни бажарди, иккинчи беш йиллик планни амалга оширмоқда ва ҳозир халқ хўжалигини ривожлантиришнинг навбатдаги беш йилликка мўлжалланган планини тайёрламоқда. Беш йилликлар — илғорғ иқтисодий қолоқ, аграр мамлакат бўлган Ҳиндистонни миллий

(Давоми иккинчи бетда)

Н. С. ХРУШЧЕВ нутқининг давоми

(Боши биринчи бетда)

саноати ривожланган, қишлоқ хўжалиги тараққий этаётган, фани, техникаси ва маданияти ривожланиб бораётган мамлакатга айлантириш йўлидаги муҳим босқичлардир. Шундай вақт ҳам келадики, ўшанда сизларнинг улуғ мамлакатингиз иқтисодий ривожланган давлатлар орасида муносиб ўрин олади, «Ҳиндистонда ясалган» деган марка индустрияси энг юксак даражада ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган молларнинг маркаси сингари жаҳонга таниқли бўлиб қолади. **(Гулдурос қарсаклар, маъқулловчи хитоблар).**

Совет Иттифоқининг душманлари ва рақиблари бизнинг иқтисодий планларимизни ҳам муваффақиятсизликка учрайдиган планлар деб даъво қилган, ҳатто бизнинг мамлакатимиз иқтисодий вайронлик натижасида ҳалок бўлади деб даъво қилган вақтлар бўлган эди. Лекин бизнинг халқимиз ўз кучларига қаттиқ ишониб, ўзи танлаб олган йўлдан четга бурилмади. У шунга эришдики, натижада Совет Иттифоқи жаҳоннинг энг қудратли индустриал давлатларидан бирига айланди.

Совет халқи номидан сизларга иқтисодий ривожланиш йўлида ҳамиша муваффақиятлар тилайман. Ҳиндистон халқининг ўз давлатининг мустақиллигини мустаҳкамлашига ёрдам бериб келдик ва ёрдам бераверамиз. Бу ёрдам — чин кўнгилдан берилаётган ёрдам яхши ўзаро муносабатларимизни бамисоли цементдек мустаҳкамлай беришига аминмиз. **(Гулдурос қарсаклар, маъқулловчи хитоблар).**

Азиз дўстлар! Биз сизларнинг олдингизга дўст Индонезиядан келдик. Ҳиндистонга, Бирмага ва Индонезияга тинчлик ва дўстлик мақсади билан қилган сафаримиз Совет Иттифоқи халқлари каби бу мамлакатларнинг халқлари ҳам тинчликка, дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга астойдил интилаётганликларини яққол кўрсатди. Бирма Иттифоқининг раҳбарлари — республика президенти У Вин Маунг, бош министри Не Вин жаноблари билан, сиёсий партияларнинг раҳбарлари У Ну, У Ба Све, У Чжо Нейн билан ошкора ва самимий суҳбатлар ўтказдик.

Индонезия Республикасининг президенти Сукарно жаноблари билан ҳамда дўст Индонезиянинг кўзга кўринган бошқа давлат ва сиёсат арбоблари билан жуда муҳим халқаро масалалар устида, шунингдек Совет-Индонезия муносабатларига доир масалалар устида ошкора, дўстона ва самимий суҳбатлар ўтказдик.

Сизларнинг мамлакатларингиз — Ҳиндистон, Индонезия, Бирма жуда гўзал мамлакатлардир. Иссиқ, серқуёш, тўғрисини айтсам — афсонавий мамлакатлардир! Бу мамлакатларда ҳамма нарса: рангба-ранг ўсимликлар ҳам, табиатнинг саҳийлиги ҳам, рақсларингиз ҳам, кийимларингиз ҳам, айниқса одамлар ҳам совет кишисининг кўзига ажиб бўлиб кўринади. **(Қарсаклар).**

Ҳиндистон, Бирма, Индонезия ва Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланган, иқтисодий ва маданий ҳамкорлигимиз тағин ҳам кўпроқ ва чуқур ривожланиб бораётган ҳозирги вақтда бизларнинг мамлакатларимиз бир-бирларига тағин ҳам яқинроқ бўлиб қолаётирлар деса бўлади. Орамиздаги масофаларнинг таноби тортилаётир дейиш мумкин. Биз XX асрда, ҳайратда қолдирарлик техника асрида яшамоқдамиз, бу техника, масалан ноништани Москвада қилиб, тушки овқатни эса Индонезияда ейишга имкон беради. **(Жонланиш, маъқулловчи хитоблар, қарсаклар).**

Ҳиндистонга келган биринчи рус киши Афанасий Никитин бу ерга келмоқ учун қанчалик кўп вақт — йиллар сарфлаганлигини бир эслаб кўринг!

Лекин сизлар бизнинг ҳолатимизни тушунсангиз керак: Ҳиндистон қанчалик яхши, қанчалик гўзал бўлмасин, шундай бўлса ҳам ҳаммамиз тезроқ ўз юртимизда, Ватанимизда бўлгимиз келади. Бу инсоннинг табиий истагидир: сизлар ўзингизнинг жазирама тропик қуёшингизни севасиз, биз учун эса шимолнинг қаҳратон, гирчиллаб турган қори кўнглимизга хуш ёқади. **(Қарсаклар).**

Азиз дўстлар! Сизларнинг мамлакатингиздаги, Бирма ва Индонезиядаги самимий ва дўстона учрашувлар шу мамлакатлар халқларининг Совет Иттифоқи халқларига бўлган хайрихоҳлигини ёрқин ифодалади. Совет Иттифоқининг вакили бўлган менга нисбатан сизлар изҳор қилган оташин ҳисларни улуғ совет халқига, ҳамма халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик бўлиши учун курашаётган Совет Иттифоқига нисбатан билдирилган оташин ҳислар деб биламан. **(Қарсаклар).**

Яшасин улуғ Ҳиндистон Республикаси! **(Қарсаклар).**

Совет — Ҳиндистон дўстлиги абадий бўлсин ва бузилмасин!

Яшасин бутун дунёда мустаҳкам тинчлик. **(Қарсаклар).**

Ҳинди-руси бхай-бхай! **(Гулдурос қарсаклар).**

Намашкар! **(кўришгунча хайр! Гулдурос қарсаклар, олқишлар).**

Олий ўқув юртларимизда таълимни ишлаб чиқариш билан боғлаш кенг йўлга қўйилмоқда. СУРАТДА: Урта Осиё политехника институти кимё технология факультетининг IV курс студентлари М. ҚУЧҚОРОВА ва А. ТОИРОВ практик машғулотда.

В. БАСКАКОВ фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

1960 йил 1 мартда Калькуттадаги граждан қабули маросимида Ж. НЕРУ нутқи

Жавоҳарлал Неру ўз нутқида, жумладан, бундай деди:

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бундан бир неча кун муқаддам Индонезияга бора туриб йўлакай Деҳлига келган эди. Энди у яна бизнинг орамизда турибди. Биз ҳам уни кўриб ва табриклаётганимиз учун хурсандмиз, чунки бизнинг олдимизга чин дўстимиз келди. Бош министр Хрушчев, — деди сўнгра Неру, — фақат ўз мамлакати учунгина эмас, шу билан бирга бутун дунё халклари учун ҳам кўп иш қилди. Н. С. Хрушчевнинг ҳамма халқларга «тинчлик байроғини ўз қўлида олиб келаётганлигини» айтиб, сўнгра бош министр бундай деди: Хрушчевнинг сўзлари ва нутқлари тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ва ҳамма халқларга мурожаат қилинаётган сўзлар ва нутқлардир. Хрушчевнинг истаги шуки, у ҳозирги вақтда инсониятнинг қўлида бўлган барча моддий неъматлар тинчлик ишига, халқлар равнақи ишига хизмат қилсин, дейди.

Сўнгра, Неру дедики, Ҳиндистон Ашока замонидан бери тинчликка интилиб келмоқда. (Ашока — эрамизга қадар бўлган учинчи асрда Ҳиндистондаги Маурья давлатининг султони. Ашока деярли бутун Ҳиндистонни бир давлат қилиб бирлаштиришни поёнига етказган. — Редакция). Эҳтимолки, — деди у, — Ҳиндистон улуғ давлат эмасдир, лекин бизнинг кўп замонлардан бери давом қилиб келаётган тарихимиз, ўз анъаналаримиз, унутилмас ўтмишимиз бор.

Эндиликда жаҳоннинг сиёсий раҳбарлари, — деди Неру, — фақат битта йўл борлигини, у ҳам бўлса қуролсизланиш йўли эканлигини тушунмоқдалар. Ғалати нарса шуки, — деди сўнгра Неру, — жаҳонда буни инкор қилаётган одамлар ҳали ҳам бор. Сўнгра бош министр тинчликни мустаҳкамлаш иши ҳамманинг иши ва бурчи эканлигини таъкидлаб, бундай деди: Оқибат натижада ҳар бир мамлакат тинчликни мустаҳкамлаш ишига ўз хиссасини қўшади, мен бунга аминман.

Кейин Неру Ҳиндистоннинг иқтисодий ривожланиш проблемаларига тўхталди ва шу муносабат билан мамлакат экономикасини ривожлантиришни планлаштиришнинг аҳамиятини, Ҳиндистон беш йиллик планларининг аҳамиятини ва ҳинд халқи бу планларни амалга оширишга киришганлигини уқтириб ўтди. Биз, — деди таъкидлаб Неру, — бошқа мамлакатлардан ўрганмоқчимиз, улуғ индустриал давлат бўлган Совет Иттифоқидан ўрганмоқчимиз. Совет Иттифоқидек улуғ мамлакатнинг муваффақиятларидан кўп нарсаларни олмоқчимиз, лекин биз кўр-кўрона нусха кўчиришимиз мумкин эмас, биз ўзлигимизча қолишимиз лозим.

Неру самимий табрик сўзлари билан Н. С. Хрушчевга яна мурожаат қилиб, бундай деди: Сиз жаноб олийларини — баланд даражали ва ҳурматли меҳмонимизни Калькуттада табриклаётганим учун жуда хурсандман.

Қуролсизланиш, — деди сўнгра Неру, — улуғ ишдир. Биз, — деди давом қилиб у, — атом ва водород бомбага қарши норозилик билдиришимиз лозим. Юксак доирада бўладиган кенгаш турмушда шундай шароит вужудга келтиришга ёрдам берадики, бунинг натижасида атом ва водород бомба бизга таҳдид солмайдиган бўлиб қолади, деб умид қиламан. Тинчлик ҳамма халқлар учун заруриятдир. Тинчлик Осиё ва Африка халқларига, иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларнинг халқларига айниқса кўпроқ зарурдир.

Неру ўз нутқини тамомлаб, бундай деди: Сиз азиз меҳмонимиз Ҳиндистонга қилган сафарингизни хотирда сақлайсиз, деб умид қиламан. Ҳинд халқи Сизни севади ва Сизга қойилдир, буни эсда тутишингиз лозим. **(Жавоҳарлал Неру нутқи гулдурос қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди).**

Н. С. ХРУШЧЕВГА ТАБРИКНОМА

КАЛЬКУТТА, 1 март. (ТАСС). Бугун бу ерда ўтказилган граждан қабул маросимида Калькутта шаҳрининг мэри Банержи шаҳар оқсоқоллари, муниципал кенгаши аъзолари ва гражданлари номидан Н. С. Хрушчев номига ёзилган табрикномани ўқиб берганлиги илгари хабар қилинган эди .Табрикномада бундай дейилади:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчев жаноб олийларига.

Бизнинг ҳурматли меҳмонимиз,

Биз Сизнинг Калькуттага гуллаб яшнаган баҳор айёми кириши билан бир вақтга тўғри келган пайтда келишингизни табриклаймиз. Қишда қуриган ва жонсиз новдаларда янги япроқ ва гуллар куртак ёзганидек, кишиларнинг ҳам кундалик меҳнат ва машаққатлари яхши ҳаёт сари интилишлар билан суғорилгандир. Улкан чор империясининг бир замонлар эзилган халқи ҳаётни революцион асосда ўзгартириш йўлидаги даъват билан майдонга чиқди ва бунинг натижасида ўз ватани бойлиги ҳамда куч-қудратининг тўла равнақ топишига эришди. Совет жамиятининг энг муносиб вакили бўлган Сизни қизғин қутлашга ижозат бергайсиз.

1955 йил ноябрь ойида Калькутта аҳолиси томонидан ана шу улкан шаҳарнинг кўчаларида ва майдонларида шод-ҳуррамлик билан кутиб олинганлигингиз ҳақидаги асло ўчмайдиган ва тўлқинлантирувчи тарихий дақиқалар шу кунгача хотирамизда турибди. Миллион-миллион ҳиндларнинг ана шу самимий овозидаги ҳаётбахш идеялар оқимининг булоғидир, ва биз Сизни бу ерда чин кўнгилдан йўл олган муҳаббат билан табриклаётганимиздан хурсандмиз.

Э, тинчлик вакили!

Бизнинг буюк шаҳримиз,— халқаро бирлик идеясининг қизғин тарафдоридир. Бу шаҳарнинг ёзувчилари ва олимлари, унинг сиёсий ва диний арбоблари халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик идеяларини тинмай пропаганда қилиб, мазлум инсониятни озод қилиш ҳақида қўшиқлар тўқидилар. Сиз ҳам 1955 йилдан буён ҳормас-толмас куч-ғайрат билан элма-эл юриб, бутун дунёда дўст бўлиб, тинчликда яшашдан иборат ана шу идеяни олиб бормоқдасиз.

Сизнинг ишларингиз космик фазога кириб, Ойни забт этган совет фанининг буюк зафарлари сингари ажойибдир.

Сизнинг йўлдошларингиз ва ракеталарингиз планеталарга ва юлдузларга тинчлик ва тараққиёт мактубини элта берсинлар.

Ҳиндистоннинг урушга, зўрликка, очкўзлик ва зулмга бўлган мангу нафрати Совет Иттифоқи халқларининг тинчликсевар орзулари, умидлари билан қўшилиб, инсониятни тараққиётнинг гўзал даврига олиб келсин. Калькутта гражданларининг муқаддас орзулари ана шундан иборатдир.

Бизнинг қизғин табрикларимизни яна бир марта қабул қилгайсиз. Уз юртингизга қайтишингизда Сизга оқ йўл тилаймиз!

Жай ҳинд! **(Қарсаклар).**

Темир йўлчилар бурчи

2 мартда Тошкентда Тошкент магистрали партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари Тошкент темир йўли бошлиғи А. М. Қодировнинг магистралнинг 1959 йилги иш якунлари ва 1960 йилги планини бажариш соҳасидаги вазифалар тўғрисидаги докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Темир йўлчилар етти йилликнинг биринчи йилида яхши ишладилар. Магистраль коллективи икки кварталдан буён СССР Министрлар Совети ва ВЦПСНинг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда.

Етти йилликнинг иккинчи йили ҳам муваффақиятли бошланди. Икки ойлик юк ортиш плани муддатидан олдин бажарилиб, пландан ташқари 400 минг тоннадан кўпроқ тошкўмир, цемент, экиш юклари, пахта, ғалла ва бошқа юклар ортилди. Юк вагонларининг умумий обороти йил бошидан бери 8 соат тезлаштирилди.

Йиғилишда янги социалистик мажбуриятлар муҳокама қилинди. Бу мажбуриятларда етти йиллик иккинчи йилининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириб бажариш, пассажирларга намунали хизмат кўрсатиш, темир йўлчиларнинг меҳнат ва иш шароитларини янада яхшилаш тадбирлари кўзда тутилади. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ БОҒЛАНИШ

Тошкент шаҳар Куйбишев район партия комитетининг секретари ўртоқ Р. Муҳамедова қуйидагиларни хабар қилди:

— Район коммунистлари ва партиясиз активлардан 8065 киши партия маорифи тўгаракларида назарий билимни конкрет вазифалар билан боғлаб ўрганмоқдалар. КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, конкрет экономикани ўрганиш ва бошқа тўгаракларнинг тингловчилари машғулотдан кейин саноат корхоналарида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини комплекс механизациялаш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатини яхшилаш йўллари билан батафсил таништмоқдалар.

«Узхлопкомаш», экскаватор заводлари партия ташкилотлари ҳузуридаги сиёсий иқтисод, экономикани ўрганиш тўгаракларининг тингловчилари ҳозиргадаёқ ишлаб чиқариш жараёнини янада такомиллаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга доир кўплаб амалий таклифлар киритдилар. Искрин, Колокольчиков, Ковриғин ва бошқа кўпгина тажрибали пропагандистлар ҳам машғулотларни ҳар бир саноат корхонаси олдида турган амалий вазифалар билан боғлаб ўтказаётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори райондаги барча бошланғич партия ташкилотлари ва пропагандистларининг фаолиятида ўз ифодасини топди.

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЕМИНАРИ

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида белгиланган улуғвор тадбирлар қандай амалга ошириляпти? Чуст район партия комитетида бўлиб ўтган пропагандистларнинг навбатдаги семинарида ана шу масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда райком секретари ўртоқ Х. Мадалиев доклад қилди.

Навоий номли, «Ўзбекистон» колхозлари бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари Р. Назаров, Қаххоров, район комсомол комитетининг секретари Н. Қурбонов ва бошқа ўртоқлар партия Марказий Комитетининг қарорида белгиланган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилиши натижасида партия пропагандасини ҳаёт билан боғлашда жуда яхши муваффақиятларга эришилаётгани ҳақида гапирдилар.

Семинар қатнашчилари кўклам экин кампаниясига тайёргарлик ва уни ўтказиш даврида колхозчилар ва совхоз ишчилари орасида олиб бориладиган сиёсий-оммавий ишлар режасини белгиладилар. Асосий диққат ва эътибор етти йилликнинг иккинчи босқичи — 1960 йилда пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик ва бошқа соҳаларни комплекс ривожлантириш юзасидан белгиланган чўққини тезроқ эгаллаш учун меҳнаткашлар оммасини, ички резервларни тўла сафарбар этишга қаратилди.

ИШ КЎП, ТАЛАБ ЗЎР

САМАРҚАНД. Бу ерда шаҳар партия ташкилоти активининг Ўзбекистон Компартияси XV съезди якунларига бағишланган йиғилиши бўлди. Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ О. Маҳмудов ўз докладида ва нотиқлар ўз сўзларида халқ хўжалигининг барча соҳаларини янада ривожлантириш учун ички ресурс ва имкониятлар тобора кўпроқ ишга солинаётганлиги, илғор тажриба ва прогрессив методлар кенг қўлланаётгани, кадрларнинг ишчанлиги ва ташаббускорлиги ўсиб бораётганлиги ҳақида гапирдилар.

Шаҳар саноатининг ходимлари январь ва февраль ойларида маҳсулот ишлаб чиқаришни 4,5 процент кўпайтирдилар. Январь ойида плондан ташқари 9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдор участкаларда 5 мингдан ортиқ ишчи Ленин вахтасида туриб ишламоқда.

Бироқ халқ хўжалик планларининг бажарилишида жиддий нуқсонлар ҳам бор. Саноат корхоналаридан 6 тасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичлари қониқарсиз бажарилмоқда. Корхоналарни табиий газ олишга тайёрлаш ишининг кечиктирилаётгани айниқса йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Актив йиғилиши Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XV съездида Самарқанд шаҳар ва область партия комитетлари адресига қилинган танқид жуда тўғри ва жиддий огоҳлантириш эканлигини таъкидлади.

Шаҳар партия комитети ва унинг саноат, транспорт бўлими, айниқса Халқ хўжалиги кенгашининг раҳбарлари маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техника, сифат кўрсаткичларини яхшилашда қаттиқ талабчанлик қилмайдилар. 8-сон ғишт заводи бошқармаси, консерва заводи ва нон комбинатининг директори Кочаров, Муҳиддинов ва Бабечко ўртоқларнинг ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишда йўл қўйиб келаётган жиддий ҳато ва нуқсонлари шаҳар ҳамда область партия комитетларининг конференцияларида қаттиқ танқид қилинган эди. Бироқ, партия комитетлари ва Халқ хўжалиги кенгашининг раҳбарлари ишда нўноқлик қилаётган бундай раҳбарга нисбатан муросасозлик қилиб келадилар.

Йиғилиш идеология ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйиб келинаётганини кўрсатиб ўтди.

Актив йиғилиши Ўзбекистон Коммунистик партияси XV съездининг қарорларини бир оғиздан маъқуллади ва уни оғишмай амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб, резолюция қабул қилди.

Ю. ЮНУСОВ.

ЎЗБЕК ШЕЪРИ РУМИН ТИЛИДА

Руминия Халқ Республикаси ёзувчилари союзининг органи ҳафтада бир чиқадиган «Газета литерарэ» («Адабиёт газетаси») «Жаҳон шоирлари» рубрикаси остида ўзбек шоири Ҳамид Ғуломнинг «Қитъалар уйғоқ» циклидан «Сўнгги кўприк» балладасини босиб чиқарди. Бу асарни румин шоири Флорин Мугур таржима қилган. Шунингдек, газета Ҳамид Ғулом ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача тафсилот ҳам берган.

8 МАРТ БАЙРАМИ ОЛДИДАН

УНУТИЛМАС КУНЛАР

1923 йилнинг кузи эди. Туркистон республикаси хотин-қизлар билим юртини биринчи бўлиб етти хотин-қиз тамомлаб чиқди. Уларга совет ўқитувчиси деган унвон берилди. Булар орасида Манзура Собирова (Ойдин), Тожихон Рустамбекова, Робия Носирова, Ҳамида Тожиевалар бор эди.

Ўқишни тамомлаганларга бағишлаб ўтказилган тантанали кечада битирувчилар номидан Манзура Собирова сўзга чиқиб, хотин-қизларнинг асл истаклари халққа маърифат, маданият тарқатиш эканлигини айтди. Ўқишни тамомлаганларга олтин медаллар топширилди. Унинг бир томонида «Коронғу халққа ёруғ маориф чирогини олиб борувчига» деган сўзлар, иккинчи томонига эса, битирувчининг исм-фамилияси ёзилган эди.

Ҳақиқатда бу биринчи муаллималар халққа маърифат чирогини тарқатган дастлабки қалдирғочлар эди. Улар бу йўлда катта ишлар қилдилар.

1925 йилда шу билим юртини яна 12 хотин-қиз битириб муаллима бўлди. Ўша йилларда саводсизликни битириш йўлида қизғин кураш бошланди. Бу муҳим тадбирни амалга оширишда биринчи ўзбек муаллималарининг хизмати катта бўлди. Уларнинг баъзилари хонадонларда, баъзилари эса, саводсизликни битириш курсларида дарс бердилар.

Партиямизнинг кенг тушунтириш ишлари олиб бориши натижасида олдин якка-якка паранжи ташлаш бошланди. Кейинчалик бу иш оммавий тус олди. Айниқса, 1927 йилнинг мартида хотин-қизларнинг паранжига қарши мажлислари, митинглари ва намойишлари бўлиб турди. Буларда юзлаб, минглаб паранжилар ташланди, ёндирилди. Бу иш айниқса Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда жуда авж олди.

Матбуот ҳам ўша даврда хотин-қизларни чинакам озодликка чиқариш, ишлаб чиқариш ва жамоат ишига тортишда катта роль ўйнади. 1924 йилда хотин-қизлар учун ҳафталик «Янги йўл» газетаси чиқарила бошланди. Бу газета икки йилдан сўнг «Янги йўл» журналига айлантирилди. Газета ва журнални хотин-қиз мухбирлар мажлисларда, оилавий тўгаракларда хотин-қизларга ўқиб берар ва ундаги баъзи мақола, хабарлар муҳокама қилинар эди. Ўша вақтда бу газета ва журналнинг тиражи 10.000 нусхагача етди.

Бу ютуқлар осонлик билан қўлга киритилмади. Озодликка интилган хотин-қизларга нисбатан синфий душманлар—бойлар, савдогарлар ва руҳонийлар томонидан турли туҳматлар ёғдирилди. Уларни «оқ қилиб» уйдан ҳайдаш ва тошбўрон қилиш, ҳатто ўлдириш ҳоллари рўй бериб турди. Айниқса, актив хотин-қизларга ҳужум кўпроқ бўларди. Чунки, у вақтларда озодлик йўлида тўғон бўлган урф-одатларнинг илдизи чуқур эди. Лекин синфий душманлар ва онгсиз ота-оналарнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, кўпчилик хотин-қизларимиз озодлик йўлидан сира чекинмай олдинга қараб интилабердилар, мамлакатимиз экономикасини кўтаришда актив қатнаша бошладилар.

Байрам кунлари ишчи хотинлар ишдан икки соат илгари кетишлари лозим бўлса-да, лекин улар умумий планни бажаришга муносиб ҳисса қўшамиз, деб ишлай беришарди. Шу икки соатлик қўшимча иш ҳақларини тўплаб, жамоат ишига сарфлардилар. Республика бўйича 1930 йилда шундай йўл билан тўпланган 72 минг сўм Фарғона тўқимачилик фабрикаси ҳузурида умумий кир ювиш хонаси ташкил этишга сарфланди.

Ўша даврда ўзбек хотин-қизлари ўзларининг оналик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳам қаттиқ курашдилар. Бир воқеани эслатиб ўтай: Салима Шермат қизини эри Зариффой олти яшар қизчаси билан ҳайдаб юборди. Орадан бир неча йил ўтиб кетди. 1936 йилда Зариффой қизини алдаб Чустга олиб кетди. Салима Шермат қизи эса Максим Горький номидаги тикув фабрикасига ишга кирган эди. Бу ишчи хотин Тошкентдан Чустга бориб, ҳукумат идораларининг аралашиши натижасида қизи Шарофатни Зариффойдан қайтариб олишга муваффақ бўлди. Бундай воқеалар кўп бўлган.

Хотин-қизларимиз Владимир Ильич Ленининг ишчи хотинларнинг озодлик иши—уларнинг ўз фаолиятларига боғлиқ деган кўрсатмасига амал қилиб, ўз ҳақ ҳуқуқларини қўлга олишларида тўсиқ бўлган ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтдилар.

Ўзбекистон хотин-қизлари съезди кунлари (1958 йили 7 мартда) Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ 85 аёл хотин-қизлар озодлиги йўлида фаол қатнашганлиги учун Фахрий ёрлиқ билан мукофотланди. Булар орасида хотин-қизлар озодлиги учун курашнинг бошланғич даврларида актив иштирок этиб, ўз интернационал бурчларини шараф билан бажарган ўзбек хотин-қизлари билан бирга рус, татар, бошқирд аёллари—Любимова, Муратова, Бурнашева, Самойленко, Волкова, Диянова ва бошқалар ҳам бор.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг катта ғамхўрлиги туфайли хотин-қизлар тўла озодликка эришдилар. Ана шу меҳрибонлик натижасида барча совет хотин-қизлари қатори ўзбек хотин-қизлари ҳам коммунизмнинг актив қурувчилари бўлиб қолдилар. Улар завод, фабрика, колхоз, совхоз ҳамда фан ва маданият фронтида ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатиб, коммунизм қурилишида олдинги сафларда бормоқдалар.

Собира ХОЛДОРОВА.
Пенсионер.

Мелиқўзи бошлаб берган ҳаракат полик йигитлар ғайратини жўш урдирди. Унинг издошлари, комплекс механизациялаш бригадаларни бошқарувчи довюраклар кўпайди, терим машинасини ҳайдашга ҳавас, иштиёқ ортди. Ўтган йили кузда қўлда терган бригадалар кунига 2—3 процентдан пахта топширганларида, Мелиқўзи 10 — 12 процент «оқ олтин»ни қабул пунктига жўнатди.

Бу янги ҳаракатнинг бошланиб кетишига ҳам шу туртки бўлди. Кузда Ленин номли колхознинг пешқадам бригадири, Мелиқўзининг мусобақадоши Парпи Хўжаев янги ерда комплекс механизациялашган бригадага бош бўлиб, биринчи йилиёқ 35 центнердан пахта бериш мажбуриятини олди. Бу хабар район колхозларига таралди, Парпининг ёнига яна етти йигит қўшилди. Район партия комитети ва ижрокоми олий ҳиммат йигитларнинг бу ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қароридан илҳомланган баҳодир пахтакорлар тўқай ва қумлоқни бўстон қилиш, етти йилликнинг иккинчи йилида пахтани янада кўпайтириш иштиёқида ерни экишга тайёрламоқдалар.

Поп район партия комитети ва район ижроия комитети яқинда шу бригадирларнинг йиғилишини ўтказди. Ўз олдиларига катта мақсад қўйиб, қўриқ очаётган йигитлар зўр эҳтирос билан гапирдилар.

Биз бугун газетхонларни қўриқ ва қумлоққа ҳужум бошлаган ғанишерчи-мелиқўзичи шу йигитлар ва уларнинг мажбурияти билан таништирамиз.

ҚЎРИҚҚА ҲУЖУМ БОШЛАГАН ЙИГИТЛАР

Фарғона область, Поп районидаги колхозлар саккизта трактор - далачилик бригадаси тузиб, Марказий Фарғонанинг „Найман“ массивидаги қўриқни очишга киришди. Ғанишерчи-мелиқўзичи бригадалар бу йил ҳар гектар ердан 30—35 центнер пахта олишга аҳд қилиб иш бошладилар.

БИРИНЧИ ЙИЛИЁҚ 35 ЦЕНТНЕРДАН

Бригадирлигидан Парпининг кўнгли тўлмасди-ю, лекин буни ҳеч кимга айтолмасди. Удда қилолмаганидан, бераётган ҳосили камлигидан эмас, йўқ, ҳосилга келганда у илғор колхознинг олдинги бригадирлари қаторида. Бу жиҳатдан кўнгли тўқ. Парпи бошлиқ бригада 50 центнернинг устида. Аммо ер тор: қулочини бемалол ёзолмайди, Кўнгил ғашлигининг боиси шу эди.

Баҳор шабадаси энди бошланган куни Парпи Хўжаев эрталаб ишга чиқмади, кун бўйи кўринмади. Баъзилар, тонг маҳали уни кемада кўрдик, дейишса, баъзи бировлар, у «Қизил машина»да тупроқ кавлаб юрибди, дейишди. Парпи қош қорайганда идорага хушвақт кириб келди.

— Ер топдим, оғайнилар, ер!— деди у севинчини ичига сиғдиролмай. — Кўмилиб кетган ариқ изини, одам яшаган уй ўрнини ҳам кўрдим...

«Колхоз инженери» Ўлмас бува унга ялт этиб қаради. Ҳозир унинг кўзи олдида ўзининг биринчи устози, яқин дўсти Богарат гавдаланди. Ўшанда Ўлмас ёш йигит эди. Қишлоқ рўпарасида, дарёнинг нариги бетида қамишзорга ўт қўйилди. Ариқ-зовур қазиб захни кочиришди. Дарё лабига машина қуришди. Ҳамроқул темирчининг ўғли Ўлмас шу ёққа ўтди, машина мастерига шогирд тушди. Техника тилини ўрганди. Унинг ўртоғи Хўжавой янги очилган ерда ғўза кўкартирди. Ўлмас бува шу ўтмишни эслади, Парпининг бу ғайратига тан берди, оппоқ соқолини силади-да:

— Отангнинг уйини топибсан. Богарат «Қизил машина» қуриб, дарёдан сув чиқарганда отанг шу ёққа кўчиб ўтган, шу ерда бойга коранда бўлиб, пахта экқан эди. Отанг изини қидириб топибсан, буз, қўриқни, ўғлим, — деди.

Кўрик бузилди. Ўлмас бува ҳозир номигина қолган «Қизил машина» ўрнига насос қуриб берди. Эски ариқ ўрни очилди. Парпи бир неча гектар ерда пахта етиштирди. Маннон, Меликўзи, Деҳқонлар ҳам ўтишди, оз-оздан экин-тикин қилишди.

Кеч экилганига, ғўза дуруст парвариш қилинмаганига қарамай, ўтган йили бу ернинг гектаридан 15 центнердан ошиқ пахта олинди. Парпи ҳали пахта териб олинмасданоқ, янги йилда янги ерга кўчиб ўтишга аҳд қилди.

Парпи шу кунларда қулочини кенг ёзиб, келгуси йили, ундан кейин қанча қўриқ очишни кўнглидан ўтказяпти, ҳосилни йил сайин ошира бориб, бу ердан ҳам 40—50 центнердан пахта олишни мўлжалламоқда; янги қишлоқ қурилишини бошлаб, янги уйлар тикламоқда.

• • •

Баъзи бировлар кўпинча, еримиз носоз, шунинг учун ҳосилимиз паст, деб ўз айбларини ерга ағдаришади, — деди Парпи қўриқни пахтазор, обод боғ қилишга бел боғлаганлар йиғилишида. — Туҳматни ер кўтаради, аммо бу гапдан одамнинг энсаси қотади; бундай кишиларга, қўйинг ёлғонни, ожизлигингизни, ношудлигингизни ерга ортманг, дегинг келади. Чунки, ернинг ёмони бўлмайди, уни боқсангиз едиради, боқмасангиз йўқ. Айбни ерга ортувчи одамлар бизнинг Ленин номли колхозда ҳам, қўшниларимиз орасида ҳам бор. Бундай кишиларга бригадамизнинг жавоби шу бўладики, янги ернинг юз гектарида пахта етиштирамиз, ғўзани машина билан парвариш қиламиз, пахтани машинада териб оламиз.

Колхозимиз бу йил гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашяпти. Биз янги ерда уни орқага тортмаслигимиз керак. Шунинг учун биз тобга келмаган, тупроғи ҳали пишмаган ернинг гектаридан биринчи йилиёқ 35 центнердан ҳосил олишга аҳд қилдик. Боғ қиламиз, маккажўхори, қовун-тарвуз ҳам экамиз. Ҳозирдан янги ерга уй-жой қура бошладик.

Бригадамизда 15 киши ишлайди. Ерни текислаб, яхоблаб қўйдик. Биринчи апрелдан кечикмай чигитни экиб бўламиз. Ҳосилни ундириб олсак,—ундириб олишимизга аминман, бу—республикамиз 3.170 минг тонна «оқ олтин»ига бизнинг қўшган ҳиссамиз бўлади.

Янги ернинг янги бригадирларини шу шартларни қабул қилиб, енг шимариб иш бошлашга чақираман.

ОБОД, УНУМДОР ЕР БЎЛАДИ

Ғурумсаройда, Маннон Ҳайитов пахта устаси, деҳқончиликнинг кўзини биладиган бригадир, дейишади. Тўғри гап. У пахтачиликка кириб келган янги, илғор усул-тартибларнинг ҳеч биридан тайсалланган эмас, ҳосилни оширишга ёрдам берадиган янгиликни биринчи бўлиб ўз бригадасида амалга оширган, янгиликнинг афзаллигини исботлаб, тайсалланганларни шунга ишонтирган.



Квадрат-уялаб экиш, ғўзани икки томонлама парвариш қилиш, кетмоннинг «хизматидан» воз кечиш масаласи ўртага кўндаланг қўйилганда, баъзи бригадирлар, бу ишнинг ахири нима бўларкин, дуруст ўйлаб кўриш керак, деганларида, Маннон, қўрқмаяпти, ахири яхши бўлади, деб дадил айтган, ўз бригадаси ерларида ғўзани биринчи бўлиб яшил квадрат қилиб ўстирган.

Ўтган йили Маннон бошлиқ бригада ҳосилдан ёмон бўлгани йўқ, колхоздаги 19 бригаданинг олдингилари қаторида, гектаридан 44 центнерга яқин пахта олди. Лекин бригада чоғроқ, ери 65 гектар, холос. Шу сабабдан у Парпи Хўжаевга эргашди, янги ерга ўтишга қарор берди:

—Партия Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорини бажаришга Парпининг бошлаган ишини яхши ҳисса деб биламан, мен ҳам ўтаман,—деди у колхоз партия комитетининг секретари Маҳмуд Маназаровга.

Партия комитети ва колхоз правленииеси Маннон Ҳайитовнинг ташаббусини ҳам маъқуллади.

• • •

Янги ер очиб, деҳқончилик қилишга нимага бунчалик қизиқиб қолдим? — деди Маннон.—Ёки у ердаги иш бу ердагидан осонми? Йўқ. Қийин, кўп даражада қийин. Шундай экан, нимага ўзимизни қийин ишга уряпмиз?..

Қишлоғимизнинг ўнгиридан Сирдарё ўтади. Дарёнинг буёғида бошқа манзара: одам яшайди, обод. Бу ердан 40—50 центнерга етказиб пахта оляпмиз, боғларимиз мева беряпти. Лекин дарёнинг нариги ёғи-чи? Қўриқ, қамишзор, қумтепа. Қараб турибсиз, юрагинг орқангга тортиб кетади. Хўш, ўша ерларни обод қишлоқ, пахтазор дала, мева берадиган боғ қилиб бўлмайдими? Бўлади. Қийинчиликдан қўрқмасак, енгамиз десак, уни сиз билан биз обод киламиз. Мен янги ерга ўтишга шунинг учун қизиқдим...

Биз аввалам пахтакор деҳқонмиз. Бизнинг ишимизга пахтамизнинг оз-кўплиги, сифатига қараб баҳо берилади. Оз пахта олаётганимиз йўқ, аммо бундан ҳеч кўп пахта олишимиз мумкин, бунинг учун бизга керакли қурол — машиналар ихтиёримизда, бизнинг хизматимизда. Буларни яхши ишлата билсак, қўрқмай, дадил ишга киришсак бас. Қолганни бўлиб кетади.

Ўртоғим Парпи 35 центнердан пахта олишга чақирди. Қаттиқ уринилса, меҳнатни аямасак, шу ҳосилни олиб бўлади. Мен унинг чақиригини қабул қиламан.

«ҚУШЧИНОР ҚИШЛОҒИ»

Янги очилган ерлар текисландими, шудгор қилиндими, шўри қандай ювиляпти?

Райком секретари М. Раҳимов бир куни эрталаб дарёдан ўтди. Ер тузувчилар, тракторчилар, шўр ювувчилар билан суҳбатлашди. Қумтепа этагидаги янги ариқ бўйини қадамлаб ўлчаб юрган барваста йигитга дуч келди.

— Ҳа, Турғунбой, бу ерда у ёқдан бу ёққа юриб қолибсиз, ер тузувчиларга шогирд тушдингизми дейман?

— Шогирд тушганим-ку йўғ-а, бу ерда бригадир бўлишга ариза бердим. Мана шу жойга.—деди у тепа этагини қўли билан кўрсатиб,—ёнма-ён қилиб икки туп чинор ўтқазмоқчиман. Энг узоқ умр кўрадиган дарахт шу. Кейин бу ернинг номи «Найман» эмас, «Қўшчинор қишлоғи» бўлиб қолсин.

Улар хайрлашдилар. Янги бригадир янги ерда боғ барпо қилиш хаёлини тезроқ амалга ошириш туйғуси билан қолди.

Турғун Жумаев Поп районининг Санг қишлоғида туғилган. «Сталинград» колхозининг моҳир механизатори. Сангликлар, унинг «универсал»и юрган ернинг ғўзасига жон киради, дейишади. Сангликлар кейинги уч йил ичида пахтани 500 тоннага яқин кўпайтирган, ўтган йили ҳар гектар ердан 35 центнердан ошириб пахта кўтарган экаплар, бунда Турғун Жумаевнинг ҳам ҳиссаси оз эмас. Лекин бу ҳиссага Турғун қаноат қилмади, етти йилликнинг иккинчи йилида пахтани яна ҳам кўпайтириш учун курашувчилар ҳаракатига қўшилиб, ўз ҳиссасини оширишга жазм қилди, янги бригада тузиб, қўриқ очишга киришди. Унинг ҳимматига балли.

• • •

Мен гапни боғдан бошлай, — деди Турғун ўртоқларига. — Анча вақт бўлди, бир китоб ўқиган эдим. «Найман»га ўтганда шу эсимга тушди. Эслаб қарасам, ёзувчи тасвир қилган жойлар шу ерларга жуда ўхшайди. У, одамлар канал қазиб, сув чиқарди, деб ёзган. Бу, Охунбобоев номидаги канал бўлса керак деб ўйладим. Бироқ китобга ном бўлган Қўшчинорни тополмадим. Кейин шу ерга қўшчинор ўтқазишга, ёнидан шу йилнёқ ўн гектар ерни боғ қилишга аҳд қилдим. Мен ҳам тракторчи, ҳам боғбонман. Кўчатнинг анчасини тайёрлаб қўйдим. Икки-уч йилда боғни мевага киритаман. Ҳурматли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорни меҳмонга чақириб, Қўшчинор дамидаги шийпоида янги боғнинг дастлабки меваси билан зиёфат қилишни кўнгилга тугиб қўйдим. Унинг ҳикояларини ўқиганимда, ҳузур қилиб куламан, ғуборим ёзилади, чарчоғим босилади, ишга чоғланаман.

Одам икки юз йил яшамайди, ўртоқлар. Лекин одам бунёд қилган жой яшайди, авлодидан-авлодига қолаверади. Унинг номи яшайди. Менинг ҳозир кучга тўлган вақтим. Янги ерда юриб шу фикр ҳаёлимга келди: хўш, мен яна неча йил ишлайман, яшайман? Турғун, айтчи, сендан нима қолади? Кучинг борида шу ерни обод қил, дарахт эк, шундай жой бино қилки, унда одамга керакли ҳамма нарса бўлсин. Бу орзу, ўртоқлар. Аммо уни қаттиқ ихтиёр қилсак ўзимиз бор қиламиз.

Энди пахта ҳақида. Пахтани деб курашиб келяпмиз, бу курашни бўшаштирмаймиз, кучайтираверамиз. Шу бу йилоқ 70 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экамиз, ғўзани фақат машина билан парвариш қиламиз. Ўртоқ Хўжаевнинг чақиригини қабул қиламан, ҳар гектар ердан 33 центнердан «оқ олтин» олишга сўз берамиз.

ЯНГИ ПАХТА КОНИ

Бу участкага нимагадир колхозда «кам ҳосил ер» номи тақилиб қолган эди. Шунинг учун бу ерга бригадир бўлишга йигитларнинг юраги дов беравермасди; бригадаларнинг қанчадан ҳосил бериши кераклиги аниқланганда эса, бу ерга энг кам ҳосил юкланарди .«Коммунизм» колхозининг раҳбарлари ҳам шунга кўникиб қолган, бригадир нима деса шунга унайверардилар.

Комсомол аъзоси Раҳмат Абдураҳмонов эса ичдан бунга норози бўлиб юрди: «у ер яхши-ю, бунисй ёмонми? Йўқ! Нимага ёндош ер 30—35 центнердан ҳосил берганда, бундан 20—25 центнер олинади, — деб ўйлади у. — Нимага шунга унаш аверарканлар?».



Қиш кунлари эди. Раҳмат правление раиси Турдиалиевга рўпара бўлди.

— Мен «кам ҳосил» ерга бригадир бўлай деб юрибман, раис. Шу кўнгилсиз номни унинг бошидан кўтариб ташлаш керак, — деди у.

Правление унинг илтимосини қондирди. Биринчи йили ҳосил ўттиз центнердан ошди. Ўтган йили бригада гектар бошига 39 центнердан «оқ олтин» кўтарди. «Кам ҳосил ер»нинг эски номи ўчди, умумий рўйхатда энг серҳосил ерлар қаторидан жой олди.

Раҳмат бу йил «Найман» ерларида ҳосил етиштиришга қарор берди.

* * *

„Найман“ деса кўз олдимизга қамиш, ботқоқ, шўр келарди, — дейди Раҳмат. — Мен ўртоқ Жумаевнинг гапини ёқлайман. У ерлардан шўрни қувиб юборишимиз, дарёга оқизишимиз керак. Найманни энг кўп ҳосил битадиган янги пахта конига, энг лазатли мева берадиган боғларга айлантирамиз. Партия бизнинг шуни талаб қилмоқда.

Бизнинг бригадамиз бу йил 60 гектар ерда пахта етиштириб, 30 центнердан ҳосил кўтаради; 15 гектар боғ қилади, 20 гектар маккажўхори, 20 гектар шоли, 5 гектар полиз экинлари экамиз. Бизнинг шартимиз шу.

ҚЎРИҚ ОЧ!

Азим Раҳимов Жданов номли колхознинг пешқадам бригадирларидан, миришкор деҳқонларидан бири. У бошлиқ бригада ҳосилга келганда кейинги учтўрт йил ичида 42—45 центнердан пастга тушгани йўқ. Колхоз ҳам районда олдингилар қаторида. Уч йил ичида ҳосил гектарига 5,6 центнер кўпайди. Лекин пахта майдони тор: минг гектарга етмайди. Шундай бир илож топиш керакки, республиканинг етти йилликда пахта етиштириш юзасидан олган катта мажбуриятига колхознинг қўшган ҳиссаси анча кўпайсин.

Колхозда ана шу масала муҳокама қилинди. «Найман» массивидан янги ер очиш масаласи ўртага қўйилганда биринчи бўлиб Азим отилиб чиқди: «Янги ерни ҳосилдор экинзор қилиш осон гап эмас, лекин мен ўтай шу ёққа деди у. Шундан бошлаб Азим Раҳимов янги ерда тузилган янги тракторда-лачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб тайинланди.

* * *

Боболар экиб келган экинзордан катта ҳосил кўтариш — ишнинг оғири машинада бажариладиган ҳозирги кунларда машаққат эмас,—деди Азим Раҳимов.—Бу ерлардан юқори ҳосил олиб келдик, оламиз. Аммо ер бўлиб ҳали экин кўрмаган ернинг бағрини очиб, уни мана бу ерлардек кўп пахта беришга мажбур қилганимиздан кейин, энди ҳақиқий пахтакор бўлдик, деб айтсак арзийди-.

Мен Парпи Хўжаевнинг гапига қўшиламан. Ернинг ёмони йўқ. Ер ишловига, боқувига қараб ҳосил беради. Мен янги ерда биринчи йилиёқ 60 гектар майдоннинг гектаридан камида 30 центнердан пахта олишга сўз бердим. Бу қийин иш, лекин қийинлигини билиб турибман, шундай сўз бердим. Эски еримизда ёмон ҳосил олмаган, олдингилар қаторида юрган бўлсак ҳам, шу қийинчиликни енгиб чиққандан кейин, кузакда катта хирмон кўтаргандан кейингина ҳақиқий пахтакор бўлдик деймиз. Шу ниятда қўриқ очайлик, ўртоқлар!

Бундан ташқари 30 гектар ерга маккажўхори экамиз, 500 тонна кўк поя олиб, силос бостирамиз.

ЁШЛИК ҒАЙРАТИ

Суннатилла Усмонов ўтган йилгача колхозда табелчи, омборчи бўлиб ишлади. Лекин бора-бора бу ишини у ўзига эп кўрмади.

«Бу катта ҳунар эмас, буни ўнинчи синфни энди битирган ўсмирлар, қиз болалар ҳам бемалол қила олади. Хўш, менчи, мен нима иш тутай? — деб ўзига савол берди Суннатилла. — Битта бригада олиб, шуни уддалаб кетолмайманми? Бошқа ёшлардан эпсизманми?»

— Қилаётган ишим ўзимга ёқмай турибди, Абдуллажон ака,— деди у правление раисига. — Бирорта бригадани бошқарсам.

— Ғайратга келибсан, яхши, — деди Худойберганов хурсанд бўлиб.

Комсомол аъзоси Суннатилла бошлиқ бригада кўкламги экишда ҳам, ёз бўйи ғўза парваришида ҳам олдинги қаторда юрди, кузда колхоз гектаридан 41 центнердан ҳосил етиштирди, Усмонов бригадаси етакчи бригадалар сафидан ўрин олди.

* * *

Мен Раҳимовнинг сўзини қувватлайман. Ёшлик кучимиз, билимимиз ва ғайратимизни қўриқ очиб синайлик, бу куч-ғайратни пахтазорларимизни кенгайтиришга, боғларимизни кўпайтиришга сарфлайлик. Партиямиз ва халқимиз шунда биздан мамнун бўлади, оқ сут бериб катта қилган оналаримиз шунда биздан рози бўлади.

Бизнинг бригадамиз бу йил янги ердан 100 гектарини экинзорга айлантириб, шундан 60 гектарида пахта етиштириш, ҳар гектардан 35 центнердан ҳосил олиш мажбуриятини қабул килди. Пахта майдонини ҳам, бошқа экинлар ерини ҳам йил сайин кенгайтириб борамиз.

ДЕҲҚОННИНГ ЧИН ДЎСТИ

Тўйчи Эргашев Сталин номли колхознинг кузда ер чизиб ўтирган бригадирларидан эмас. Тенгқурлари орасида доимо кўкраги баланд кўтариб юрган йигитлардан. Агар, қайси ердан қанча ҳосил олиш, ғўзани қандай ўстириш, қачон, қандай суғориш, қачон ва қай тартибда озиқлантириш устида гап очилса, у ўз сўзини жўялик қилиб дадил айтиб келган ва айтади, бу масалада у танг қолган эмас. Аммо у бир нарсада танг қолди: машинанинг тилини билмайди.

«Пахтачилик тамом машиналашаётган ҳозирги шароитда машиналар рулини тутиб, уларни ўз измида юргизолмаган, бузилса тузатолмаган одам, агар у деҳқончиликнинг пири бўлса ҳам, бундан бу ёққа тугал бригадир бўлолмайди, бунга ҳаққи йўқ» деган фикрга келди у.

Тўйчи шу фикрни кўнглига тугиб, улғайтириб юрган кунларда янги ерда, Сирдарёнинг нариги ёғида трактор-далачилик бригадаси тузиш масаласи кўтарилди. «Мана мен боп бригада» деб кўнглидан ўтказди у.

Кўнглидаги амалга ошди.

* * *

Бригадир бўлсангу трактор-чининг қош-қовоғига қараб ўтирсанг, бу ҳунардан бехабар бўлсанг, ўзинг бир тан бўлиб, уни юргизолмасанг, бу ишни йиғиштириб қўя қол деб қўйдим,—деди Тўйчи ўртоқларига.—Йўқ, кулманглар, ҳақ гап шу, бунинг таъмини ўзим татиб кўрдим.

Ҳозир тракторчилар курсида ўқияпман. Экиш бошлангунча тракторни, терим машинасини ҳам юргизадиган бўлиб оламан. Деҳқон бўлиб, пахта етиштирар экамиз, энди машинасиз иш қўролмаймиз, у бизнинг чин дўстимиз.

Биз боғ ва бошқа экинлардан ташқари, 70 гектар ерга чигит экамиз, 30 центнердан ҳосил кўтарамиз. Ернинг шўрини ювиб, яхоблаб, ўғитини тайёрлаб қўйдик. Ғўза парваришида биринчи қўл универсалчи ўзим бўламан.

ТУҚАЙ УРНИДА МЕВАЗОР БОҒ

Арслон Каттаев туғилиб ўсган қишлоқнинг номи Чодак, бу ерлик кексаларнинг айтишича, жойи тағ. Баланд тоғлар оралиғидаги бу ҳушманзара қишлоқ аҳолисининг касбкори боғдорлик, чорвадорлик бўлган.



Ҳали йигирма йил тўлгани йўқ. Шимолий Фарғона канали қазилиб, ўжар Сирдарё ташна чўлга сув беришга мажбур қилинганда, Арслоннинг оталари Ғурумсарой даштига келиб, биринчи марта ғўза кўкартирди.

Арслон ёз ойларида, ўқишдан бўшаганда янги ерга келар, пахтакорларга қарашарди. Бу ерда тоғлик болага ёқиб қолган нарса «универсал» трактори бўлди. Трактор эгат оралаб кетар, плуг орқасида нам тупроқ эгатнинг икки бағрига ҳимарилиб тушар, яшил ғўзалар жонлангандай қад ростлар, Арслон эса бу ажойиб манзарага хийла вақт тикилиб қоларди.

Етти йилдирки, Арслон «Москва» колхозининг донгдор университи саналади. Ўтган йилнинг кеч кузида, поплик йигитлар Марказий Фарғонанинг «Найман» массивидаги қўриқни очиш ҳаракатини бошлаганда, Арслон чодакликларнинг янги ерда иш бошлаган трактор-далачилик бригадасига бош бўлди.

• • •

Мен Парпи аканинг гапини қувватлайман: ернинг ёмони йўқ. Ер—ишланса яхши. Бунга колхозимиздаги икки бригадани солиштирса бўлади: шароити, суви, тупроғи бир хил ердан Соли Мамадалиев бригадаси 35 центнердан ҳосил етиштирганда, Эргаш Нуриддинов бригадаси 21 центнердан пахта берди. Ер ишланса яхши деганимнинг сабаби шу.

Мен тракторчиман. Бу йилгина бригадир бўлдим. Ғўза парваришини билсам ҳам бригадирликда тажрибасизман. Шундай бўлса ҳам ишланган ернинг бригадири Нуриддиновдан ортиқ, 30 центнердан ҳосил олишга уни мусобақага чақираман.

Мен ўртоқ Жумаевга раҳмат дейман. У жуда узоқни кўзлаб гапирди. Ёш ниҳолни катта қилгунча атрофида неча йиллаб айланасиз, уни гўдак боладек авайлаб ўстирасиз, совуқдан, хатардан асрайсиз. Шу ниҳол барг ёзиб, шохлаган, улғайган сари унга тикилиб қувонасиз, аммо дастлабки меваси оғзингизга текканда умидорзувларингизга етасиз.

Боғдорликка келганда, биз чодакликлар боғни яхши кўрамиз. Марказий Фарғонанинг қўриқ, тўқай ерлари ўрнида пахта қаторида мевазор боғлар кўкартирсак, бундан ҳамма хурсанд бўлади. Бу ишда мен Жумаев билан мусобақалашаман.

БЕКОБОДЛИКЛАР ТАШАББУСИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЕКОБОД ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МАКТАБЛАРНИ ЯНГИ 1960 — 1961 ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИНИ МАЪҚУЛЛАДИ.

• • •

Металлурглар ва энергетиклар, цементчилар ва қурувчилар шаҳри — Бекобод меҳнаткашлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Бекободликлар яна бир одим илгариладилар. Улар Чирчиқ электркичё комбинати синғари **1960 йилда шаҳардаги ҳамма мактабларни бир сменали машғулотга кўчириш,** мактаб ишини, ёш авлоднинг таълим-тарбиясини яхшилашда оталик ташкилотлари ва жамоатчилик ролини оширишга қарор қилдилар. Корхоналар, муассасалар ва бошқа ташкилотлар мактаб бинолари, ўқув устахоналарини янги ўқув йилига барвақт тайёрлаш, мактабларга ишлаб чиқариш таълими берадиган мастер — педагоглар танлашда ёрдамлашиш, ҳамма ўқитувчиларни уй-жой билан таъминлаш мажбуриятини олдилар.

Масалан, Ф. Э. Дзержинский номли цемент комбинатининг коллективи ўз оталигидаги биринчи мактабга берган тўрт хонали бинони капитал ремонтдан чиқариш, мактабда буфет ва ошхона ташкил килиш, электротехника устахонасини қайта қуриб бериш ва уни жиҳозлаш, 3 минг сўм ҳажмида умумий таълим фонди ажратиш, 9- ва 10- синфлардаги 30 ўқувчини завод коммунистик меҳнат бригадаларида ўқитиб, уларга ишлаб чиқариш ҳхтисоси бериш мажбуриятини олдилар.

Шаҳардаги 2-, 9- ва 15- мактабларга оталик қилувчи металлурглар мактабларнинг ўқув устахоналарини асбоблар билан таъминлайдилар ва пўлат қуйиш технологиясини ўрганиш учун лаборатория жиҳозлари берадилар, уни хомашё билан таъминлайдилар. Ўқув устахоналарини кенгайтиришга ва теплица қурилишига ёрдам берадилар. Шунингдек, металлургия заводи 15- мактаб биносига қўшимча икки синфхона қуриб беради. Завод касаба союз ташкилоти 8 минг сўм миқдорида умумий таълим фонди ажратади.

Фарҳод ГЭСи, пахта заводи, қурилиш-ремонт конторааси, 704- қурилиш бошқармаси, ғишт ва темирбетон заводи, «Ширин» совхози коллективлари ҳам мактабларга оталик ёрдамини кучайтириш ҳақида катта мажбурият олдилар.

Металлурглар шаҳарчаси районида интернат-мактаб биноси қурилади.

В. В. Маяковский номли 12-мактаб учун қурилаётган янги бинони 20 августгача битказиш белгиланди.

Бекободликлар ташаббусининг аҳамияти яна шундаки, улар шаҳар корхона ва муассасаларида, қурилишларида ишлаётган ҳамма ёшларга кечки мактаблар орқали ўрта маълумот олишларига зарур шароит яратиб берадилар.

ПИЛЛАЧИЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

ТУРТКУЛ, («Қизил Узбекистон» мухбири). Партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларидан бенихоя руҳланган район пилласчилари етти йилликнинг иккинчи йилида пилла етиштириш бўйича 1963 йил даражасига етиб олишга қарор қилганлар. Улар бу йил 2100 қути қурт уруғидан давлатга 168 тонна юқори сорт пилла сотадилар.

Шу кунларда район колхозларида баҳорги қурт боқишга тайёргарлик ишлари кенг авж олиб кетди, 460 га яқин пиллачилик звенолари ташкил қилинди. Колхозларда қурт боқиш учун 36 та яхши ускуналанган бино тайёрланди. 13 жойда иккубатор тахт қилиб қўйилди.

Колхозлар янги тутзорлар барпо қилишга, ариқ ва зовурларнинг четига тут кўчатлари ўтқазишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ районда 75 минг туп тут кўчати ўтқазилди. Бундан ташқари, янгидан яна 35 гектар ерда тутзор қилинади.

Район колхозларида пилла ҳосилдорлигининг тобора ўсиб бориши илғор агротехникага амал қилиниши, машҳур пилла усталарининг методларини кенг қўлланиш натижасидир. Кейинги 2—3 йил ичида ҳар бир пиллачи илғор агротехникага суяниб иш кўрадиган бўлди. Ҳозир районда 180 киши пиллачиларнинг агротехника курсларида ўқимоқда.

БИЗНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси XV съезди социалистик қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, деҳқончилик маданиятини такомиллаштириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, унинг таннархини камайтириш, пахтачилик ишларини тўла механизациялаш йўлларини белгилаб берди.

Биз поплик мелиқўзичилар партиямиз чақириғига жавобан Марказий Фарғонанинг «Найман» массиви ерларини ўзлаштиришга қатъий бел боғладик. Нуқул қамишзор ва қумлоқдан иборат бу жойни ҳосилдор ерга, пахтачиликнинг янги конига, сермева боғларга айлантиришни ўзимизнинг она-Ватан олдидаги муқаддас бурчимиз деб биламиз.

Биз райондаги 7 колхоздан чиққан 8 бригада етти йилликнинг охири — 1965 йилга район планида мўлжалланган 710 гектар ўрнига Марказий Фарғона ерларидан 1960 йилдаёқ 1082 гектарини ўзлаштириб, пахта етиштирамиз, бошқа ҳар хил экин экамиз, 10—15 гектардан боғ қиламиз.

Янги ўзлаштирилаётган ерларнинг 580 гектарига бу йил 60х60 сантиметр схемасида чигит экиб, ҳар гектаридан 30—35 центнер пахта етиштиришга, ҳосилнинг ҳаммасини машинада териб олишга аҳд қилдик.

Колхозлар бўйича пахта етиштириш қуйидагича бўлади:

	гектар	центнер	тонна
Сталин номли	*70*	*» 30*	*» 210*
«Коммунизм»	*60*	*» 30*	*» 180*
Жданов номли	*60*	*» 30*	*» 180*
«Сталинград»	*70*	*» 33*	*» 231*
«Правда»	*60*	*» 35*	*» 210*
Ленин номли	*200*	*» 35*	*» 700*
«Москва»	*60*	*» 30*	*» 180*

Парпи ХЎЖАЕВ, Маннон ҲАЙИТОВ, Турғун ЖУМАЕВ, Азим РАҲИМОВ, Раҳмат АБДУРАҲМОНОВ, Тўйчи ЭРГАШЕВ, Суннатилла УСМОНОВ, Арслон КАТТАЕВ.

Бу саҳифани Йўлдош ШАМШАРОВ уюштирган.

ХУШХАБАРЛАР

ОҲАНГАРОН

Оҳангарон ГРЭСининг бешинчи турбогенераторини фойдаланишга топшириш учун тайёргарлик бошланди. Унинг қуввати 100 минг киловатт бўлади. Агрегатни монтаж қилишда Борисова ва Лаиенко бошлиқ слесарлар бригадасининг аъзолари ғайрат кўрсатаётирлар.

Электростанция қурувчилари янги мажбурият олиб, олтинчи турбогенератор ва 7-, 8-, 9-буғ агрегатларини муддатидан бир ой илгари қуришга киришдилар.

Ф. Петров.

АНДИЖОН

Андижон районида автомашина ва двигателларни ремонт қилувчи станция ташкил этилди. Станцияда блокларни пардозловчи, иссиқ ва совуқ усуллар билан обкатка қиладиган станоклар бор.

Станция коллективи бу йил колхоз ва совхозларнинг 150 та автомашина ва 300 та двигателини ремонт қилиб беришга аҳд қилган.

НУКУС

Яқинда «Нукусторг» яхши таъминланган буфет ва умумий овқатланиш корхоналарига маҳсулотни омбордан мотороллер ва енгил автомашина билан ташиб келтирилаяпти. Бундан ташқари, маҳсулотни меҳнаткашлар ва ташкилотларнинг талабларига мувофиқ уларнинг уйига ёки корхонага етказиб берилади.

Фақат мотороллернинг ўзида бир кунда 2 минг килограмм юк ташилмоқда. «Нукусторг» бу ишга 5 та «МГ—150» маркали мотороллер ажратган. Тез кунда уларнинг сони 15 га етказилади.

И. Мадгазин.

ДЕНОВ

Район колхозлараро қурилиш ташкилоти Сталин номли колхознинг «Ленинград» участкасида 50 дан ортиқ янги уй-жой қуриб битказди, уларга колхозчилар кўчиб киришди.

* * *

«Москва» колхозининг аъзолари янги интернат-мактаб учун бино қурмоқдалар. Интернат-мактабда колхоз аъзоларининг 600 дан ортиқ ўғил-қизлари илм оладилар. Бино яқинда фойдаланишга топширилади.

А. Ҳасанов.

ШЕРОБОД

Сурхондарё область, Шеробод районидаги Киров номли колхозда янги радиоузел қурилди. 500 дан ортиқ колхозчининг уйи радиолаштирилди, яна 100 хонадонга радио карнайлари киритилади.

С. Зиёев.

ЖИЗЗАХ

Жиззах районидаги Будённий номли колхозда янги типовой аптека биноси қурилиб, ишга туширилди.

Ш. Убайдуллаев.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ»

Журналнинг февраль сони босмадан чиқди. Бу сонининг бош қисми КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил декабрь Пленуми иштирокчиси, машҳур механик-ҳайдовчи Турсуной Охуновага бағишланган. Шундан кейинги саҳифаларда Р. Соҳибоевнинг «Инсон бахт-саодати учун» сарлавҳали мақоласи, озарбайжонлик шоиралар Марварид Дилбози ҳамда Нигор Рафибейлининг «Истайман», «Инсон ўзи бир баҳордир», «Қушлар нағмаси», «Ғурбат оқшоми» сарлавҳали шеърлари берилган.

Бундан ташқари, А. Отаев «Кузда қутлайсиз», Е. Виленчук «Унинг қувончи», Н. Тошпўлат «Муқаддам», Инобат Умарова «Дутонамнинг хотираси», Ҳ. Зиёхонова «Чилонзорнинг келажаги порлоқ» сарлавҳали материаллар билан қатнашганлар. Журналда «Қозоқ адабиётн ҳафталиги олдидан» рубрикаси остида Жайсанбек Мўлдағалиевнинг «Шингкенинг қамишзорида» ҳикояси, шунингдек Музайяна Алавиянинг «Ўзбек шоиралари» мақоласи, Санобар Ҳасановнинг «Фурқатни эслаб», «Ёшлик» шеърлари, Н. Халемскийнинг «Оламда энг гўзал аёл» сарлавҳали ҳикояси ва бошқа материаллар бор.

ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ХХР

41,5 миллиард киловатт-соат

ПЕКИН. Синьхуа агентлигининг билдиришича, ўтган йили Хитой Халқ Республикасида 41,5 миллиард киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинган. Бу 1962 йилга мўлжалланган даражадан ҳам кўпдир. 1962 йилда 40—43 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқариш планлаштирилган эди.

1959 йилда электроэнергетика асбоб-ускуналарининг қуввати 1958 йилдагига қарағанда тахминан 80 процент ошди.

Хитой озод қилингандан сўнгги даврда электр қуввати ҳосил қилиш тез суръатлар билан ривожланди. 1950 йилда мамлакатда 4,55 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилган бўлса, 1959 йилда электр қуввати ҳосил қилиш 9 баравар кўпайди. Шу давр ичида Англияда электр қуввати ишлаб чиқариш фақат икки бараварга етар-етмас кўпайди.

КХДР

Қишлоқларга нур келди

ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик Республикасининг ҳукумати ва Корея Меҳнат партияси қишлоқларни обод қилиш, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва механизациялаштириш ишларига катта аҳамият бермоқда.

Шу кунгача 80 процент қишлоқ электрлаштирилди. Электр қуввати қишлоқ хўжалик ишларида кенг қўлланилмоқда. Жумладан, ўтган йили қишлоқ хўжалик кооперативлари 1958 йилдагига нисбатан 10 баравар кўп турли қувватга эга бўлган электромоторлар олдилар.

Мамлакатда 80 қишлоқ хўжалик машиналари станциялари бўлиб, уларда 7 минг трактор, шунингдек комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари бор. Бу машиналар деҳқонлар ишини енгил қилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Корея Меҳнат Партияси Марказий Комитетининг декабрь Пленуми яқин 3—4 йил ичида қишлоқ хўжалигини батамом механизациялашни кўзда тутган қарор қабул қилди. Бу программага мувофиқ, 1960 йилда Корея қишлоқлари 4 минг трактор, 3 минг юк машинаси, 30 минг ҳар хил қишлоқ хўжалик машиналари олади.

МЎҒУЛИСТОН

МЎҒУЛ ХАЛҚИ МИННАТДОР

УЛАН-БАТОР. 27 февралда давлат музикали драма театрида Мўғулистон Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома, шунингдек иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган кунининг 14 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Мажлисда Буюк халқ хурали президиумининг раиси Ж. Самбу, Мўғулистон Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Цэнд. Тумур-очир, Дугэрсурэн, Бальжинням, Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Лхамсурэн, ташқи ишлар министри Шагдарсурэн ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Тумур-очир тантанали мажлисни очиб, бундан 14 йил муқаддам имзоланган шартнома ва битимнинг тарихий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу шартнома ва битимлар мўғул ва совет халқларининг традицион дўстлигини янада мустаҳкамлади ва СССР меҳнаткашлари ҳамда ҳукуматининг халқ Мўғулистонининг иқтисодий қолоқлигини тезликда тугатиш тўғрисида қардошларча ғамхўрлик қилаётганлигини яққол кўрсатди. Совет халқи билан самимий дўстлик 14 йил муқаддам имзоланган ҳужжатларда, шунингдек иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисида кейинги вақтларда имзоланган битимда ўз ифодасини топди. Бу дўстлик Мўғулистон Халқ Республикаси меҳнаткашларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради.

Жамоат ташкилотлари, ишчи коллективлари, студент ёшларнинг мажлисда сўзга чиққан вакиллари уруш пайтларида ҳам, тинч ижодий меҳнат йилларида ҳам Мўғулистонга кўрсатган бегараз ёрдами учун бутун мўғул халқи номидан Совет Иттифоқига самимий ташаккур изҳор қилдилар.

МАШИНИСТНИНГ ЖАСОРАТИ

Бу воқеа шу йилнинг 16 январь куни содир бўлди. 62 цистернадан иборат поезд Сталинградга қараб кетаётган эди. Цистерналар тез алангаланувчи ёнилғи билан тўла эди.

Поезд Петров Вал — Сталинград участкасига етганида машинист Василий Николаевич Котов цистерналарнинг биридан нефть оқаётганлигини сезиб қолди. Қандай бўлмасин, бу хавфли авариянинг олдини олиш зарур эди.

Поезд тўхтатилди. Василий Николаевич Котов оқиб бораётган нефтни тўхтатиш чорасини кўра бошлади. Бироқ, шу пайт бирданига ўт чиқиб кетди. Котовнинг уст-боши ловиллаб ёна берди. Аммо моҳир машинист ўзини йўқотиб қўймай, ёнғинга қарши курашди. Лекин уст-бошдаги, цистерна остидаги ёнғинни ўчириб бўлмади. Аъзойи бадани куйиб оғриб бораётганга қарамай, Василий Николаевич нима қилиш кераклигини ўйларди.

Бошқа цистерналарнинг ҳам ўт олиб кетмаслиги учун ёнаётган цистернани составдан ажратиш керак. Шундагина хавф-хатарнинг олди олинган бўлади. Машинист шундай қилди, бошқа цистерналар ёнғиндан сақлаб қолинди.

Ёнғиндан жуда қаттиқ жароҳатланган Волга бўйи темир йўл паровоз депосининг машинисти Василий Николаевич Котов вафот этди.

СССР Олий Совети Президиуми ўз вазифасини ўтаб туриб, зўр жасорат кўрсатган Василий Николаевич Котовни вафотидан сўнг ЛЕНИН ордени билан мукофотлади.

„ЧАНГАЛЗОРДАГИ ВОҚЕА“ ЦИРК

Шу кунларда Тошкент давлат цирки гавжум. Артист Владимир Довейко раҳбарлигидаги акробатлар группасининг чаққон, довюрак йигитлари гоҳ ерга қўл тегизмай чирпирак бўлиб айланадилар, гоҳ ҳавода турли шакллар ясайдилар.

Артист В. Гурский оригинал сатирик ашулаларни маҳорат билан ижро этади. У хотин-қизларга паст назар билан қаровчи баъзи эркакларни, модабоз кишиларни танқид қилади.

Томошабинлар ҳаводаги чиройли акробат ўйинларини, ўргатилган отларни, итларни завқ билан томоша киладилар.

«Чангалзордаги воқеа» аттракцион цирк томошаси асосий ўринни эгаллайди. Турли ҳайвонларнинг маҳорат билан ўргатган, уларни қилиқлар қилишга, томошалар кўрсатишга «мажбур» қилган Нина ва Александр Капитановларнинг номерлари томошабинни ҳаяжонга солади. Тошкент томошабинлари арслон, йўлбарс ва маймунларнинг ўйинини артист Капитановлар раҳбарлигида биринчи марта кўрмоқдалар.

Кечагина катта муваффақият билан гастролларини тугатган Валентин Филатовдан кейин бошланган янги программа цирк ҳаваскорларининг диққатини ўзига тортмоқда.

СУРАТДА: А. Капитанов ўргатилган маймуни билан.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

В. МАҲКАМОВ.

ХИТОЙ ЖОЗИБАЛАРИ

КЕЧАСИ ТЯНЬАНЬМИНЬ МАЙДОНИДА

Ойнинг ипак сочлари
Кипригим-ла тарайман.
Юлдуз ҳолатигамас,
Тяньаньминга қарайман:
Хитойнинг кулган бахти
Шунда муҳрлангандай...

Мармар қўғаси, тоши
Ичидан нурлангандай..

ИХЭЮАНЬ САЙРИ[1]

«Жэньшоудянь»ни эмас,
Тоғлар сийнасин кўриб,
Кўл ойнасин кўриб,
Умрим узайди гўё.
«Чжихойхай»ни эмас,
Меъмор меҳрини кўриб,
Бўёқ сихрини кўриб,
Ақл топдим бир дунё.
Негаки, булар бари
Тирик бир санъат эди,
Ўчмас қалб оловлари —
Ёнган табиат эди...

«АЙ ЦЮНЬ» МЕҲМОНХОНАСИДАН ҚАРАҒАНДА

Марварид дарё лим-лим
Тўлиб оқар.
Сув тагидан олтин жом
Кулиб боқар.
Сувдаги қайиқми, ё
Маҳофадир...
Ширин қиз ўлтиргандай,
Кўнглим чопадир...

Кантон кечаларидек
Ухламасман.
Шеър тўқилмас Ширинни
Йўқламасдан.

Султон АКБАРИЙ

1) Ихэюань — Пекинининг ён бағридаги жаннат-боғ. Бу богда «Женьшоудянь» — Узоқ умр кўриш саройи, «Чжихойхай» — Донолик қасри бор.

КАЛЬКУТТА УНИВЕРСИТЕТИГА СОВҒА

КАЛЬКУТТА, 2 март. (ТАСС). Кеча СССР Маданият министри Н. А. Михайлов ва СССР Олий Совети депутати Т. Ў. Ўлжабоев Осиёдаги энг кўҳна университет — Калькутта университети ректорининг ўринбосари доктор Д. Чакравартига СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевдан совға қилиб рус ва ажнабий тилларда чиқарилган илмий ва бадиий адабиёт кутубхонасини тақдим этдилар. Н. С. Хрушчевнинг университет ректори номига ёзган хатида, жумладан, бу кутубхона Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётган дўстлик символи бўлиб хизмат қилади, деб ишонч билдирилади.

Чакравартй совғани қабул қилар экан, университет ўқитувчилари ва студентлари номидан чуқур миннатдорчилик изҳор қилди ҳамда Совет Иттифоқи ва Ҳиндистондаги икки улуғ халқ ўртасидаги дўстлик халқлар ўртасида мустаҳкам ва узоқ давомли тинчликнинг гаровидир, деди.

Чет эл ҳроникаси

▲ ПХЕНЬЯНДА КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА 1960 йилда товар айирбошлаш тўғрисида протокол имзоланди. Протоколга мувофиқ, Корея Халқ Демократик Республикаси Хитойга темир рудаси, мис, рух, қўрғошин, углеродли пўлат, антрацит, кимёвий ўғитлар, карбид, машиналар, мева ва ҳоказоларни етказиб беради. Хитой Корея Халқ Демократик Республикасига кўмир, кокс, соя лўялари, пахта, автомобиль покришкалари, олтингугурт, алебастр, машиналар етказиб беради.

▲ ВАРШАВАДА ПОЛЬША БИЛАН АФГОНИСТОН ЎРТАСИДА мавжуд уч йиллик битимга мувофиқ шу иккала мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ва тўловлар тўғрисида қўшимча протокол имзоланди. Польша Афғонистондан пахта, жун, қуруқ мева ва бошқа товарлар олади. Польша Афғонистонга комплект саноат объектлари, машина ва асбоб-ускуналар, автомобиллар, тракторлар, мотоциклллар, тўқимачилчк буюмлари ва ҳоказоларни етказиб беради. Ўзаро етказиб бериладиган товарларнинг қиймати иккала томоннинг ҳар бири учун протоколда 2 миллиард злотих миқдорида белгиланган.

▲ ДЕҲЛИДА ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ КИНО ФЕСТИВАЛИ бошланди. Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Умум Ҳиндистон бирлашмаси томонидан ташкил этилган бу фестивалда Ҳиндистон, Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Индонезия, Бирлашган Араб Республикаси, Гана, Япония, Судан, Вьетнам Демократик Республикаси қатнашмоқда.

▲ АГАДИРДА (ҒАРБИЙ ЖАНУБИЙ МАРОКАШ). Қаттиқ зилзила рўй берган. Шаҳарнинг ярми вайрон бўлган, шаҳар билан алоқа узилган. Тахминий маълумотларга қараганда юзларча киши ўлган ва яраддор бўлган.

▲ ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИДА умумий аҳоли рўйхати бошланди.

ЖАЗОИР ҚУРАШМОҚДА

ҚОҲИРА, 1 март, (ТАСС). Жазоир миллий-озодлик армиясининг бош қўмондонлиги 25 февралдан 26 февралгача бўлган вақт ичида Жазоирдаги уруш ҳаракатлари тўғрисида ахборот эълон қилди. Ахборотда бундай дейилади: шу вақт ичида француз қўшинларидан 286 киши ўлдирилган ва 137 киши яраддор қилинган. Миллий-озодлик армияси қисмлари француз қўшинларининг 11 та ҳарбий позициясига ҳужум қилганлар.

16 француз автомашинаси ва бронеавтомобили яксон қилинган, бир француз ҳарбий эшелони портлатилган ва битта ҳарбий самолёти уриб туширилган.

Правда Востока

Газетанинг бугунги сонида В. И. Ленининг туғилганига 90 йил тўлиши олдидан доцент Е. Дворкинанинг мақоласи босилган. Автор В. И. Ленининг Ўрта Осиё Давлат университетини ташкил этишда кўрсатган ташаббуси ҳақида ҳикоя қилади.

В. Коробовнинг «Солдат тинч қурилишда ўз ўрнини топди» сарлавҳали очерки, шунингдек республика колхоз ва совхозларида кўкламги экишга тайёргарлик ҳақида материаллар берилган. Тошкент киностудиясининг фаолияти ҳақида Т. Жўраевнинг мақоласи босилган.

Тўртинчи бетда М. Литван ва С. Николаевнинг одамни тарбиялашга бағишланган репортажи босилган. Шунингдек бу бетда республика ҳаётига доир хабарлар бор.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

19.30. «Фан ва техника» циклида **«Мўъжизасиз мўъжиза».** 19.50. Киножурнал. 20.00. Ҳамза номли театрдан **«Фурқат»** спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида сўнгги ахборот, реклама ва эълонлар.

ДЎСТЛИК БАЛИ

1960 йилнинг 29 феврали — 1 марти мамлакатимиздаги ёш пахтакорлар ҳаётида унутилмас кунлар бўлиб қолади. Мамлакатга кўпроқ пахта топшириш, кетмонни бутунлай улоқтириб ташлаб, нуқул механизация воситаси билан мўл-кўл ва арзон пахта олишга отланган ўзбекистонлик, тожикистонлик, туркманистонлик, қирғизистонлик, жанубий қозоғистонлик, озарбайжонлик ва арманистонлик ёшлар етти йилликнинг иккинчи йилида пахта етиштиришни янада кўпайтириш масалаларини биржон, бир тан бўлиб муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон бу йил мамлакатга 3 миллион 170 минг тонна, Тожикистон 480 минг тонна, қирғиз пахтакорлари 150 минг тонна пахта топширадилар. Туркман, озарбайжон, қозоқ ва арман пахтакорлари ҳам катта ҳисса қўшадилар. Ватан пахтачилигини ривожлантиришда Москва, Ленинград, Харьков, Урал машинасозларининг, кимёгарларининг ҳиссаси катта. Оиламизда катта оға улуғ рус халқининг хизмати ҳурмат-эътиборимизга сазовор.

Пахта етиштиришни янада кўпайтириш, чигит экишдан тортиб, пахта теримигача бўлган бутун ишларни комплекс механизациялаш масалаларини ёшларга хос ишчанлик билан муҳокама қилган ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик, туркман, озарбайжон ва арман халқларининг ўғил ва қизлари икки кунлик катта йиғиндан кейин, Тошкент Округ офицерлар уйида халқлар дўстлиги балига тўпландилар.

Алишер Навоий номли давлат опера ва балет театри биносида икки кундан буён жаранглаб турган дўстлик тароналари, энди халқлар дўстлиги бали ўтаётган бинода янада кучлироқ янгради.

Ўзбекистон пойтахт ёшларининг катта бали Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистондан ва Ўзбекистоннинг барча областларидан келган йигит ва қизларни кенг кучоқ очиб кутиб олди. (Биринчи суратга қаранг, Мезбон — Тошкент чет тиллар институтининг IV курс студентқаси Умида Расулева ёш пахтакорлар Бутуниттифоқ кенгаши делегатларини—азиз меҳмонларни кутиб олмоқда).

Ўтган йили мавсумда 210 тонна пахта терган Чиноз районидаги Киров номли колхознинг донгдор механик-хайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ҳам, Қирғизистон ССРнинг Ўш область, Аравон районидаги «Коммунизм» колхозининг звено бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тожихон Эрматова ҳам, Озарбайжон ССР, Пушкин районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи, Валентина Гаганова изидан бориб, илғор участкадан қолоқ участкага ишга ўтган, 1958 йилда гектаридан 25 центнердан ҳосил олинган майдондан бултур 46 центнердан пахта топширишга муяссар бўлган Сокина Мисирова ҳам, Туркманистон ССР, Куйбишев районидаги Ленин номли колхоз звено бошлиғи М. Керимова ҳам, Тожикистон ССР Конибодом районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нарзи Усмонова ҳам шу ерда. Дўстлар учрашуви нақадар қувончли! Улар бир-бирларини ҳеч қандай таржимонсиз тушуна оладилар. Улуғ рус тили ҳар бир йигит ва қизнинг иккинчи она тили б ў л и б қолган.

Иккинчи суратда: Туркманистоннинг балда қатнашаётган вакили ўзбек дўстларига совға топширмоқда.

Кечада шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятимиз гуллаб-яшнаётганлиги яна бир марта намоён бўлди. Дўстлик тароналари янграб, жозибали рақслар бўлиб турди. Ҳар бир йигит ва қизнинг чин юрагидан чиқариб айтган қўшиғи авжида жонажон Коммунистик партиямизга миннатдорчилик, дўстлик, тинчлик садолари янграйди.

Пастдаги суратда балга тўпланган турли миллат қизларини кўрасиз. Озод ва бахтиёр Шарқ қизлари, Ленин авлоди, дўстлиги шавкатли меҳнатда тобора мустаҳкамланаётган дугоналар!

Кеча «Дўстлик байроғини янада баланд кўтарайлик!» деган шиор остида ўтди. Дўстлик тароналари энди чексиз пахта даларида янада кучлироқ жаранглайди, йигит ва қизлар «оқ олтин» конларида жавлон урадилар.

Ҳамид НУРИЙ.

И. Глауберзон фотолари.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/III да **Зайнаб ва Омон**, СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова** ва СССР халқ артисти **Саодат Қобилова** қатнашади, 4/III да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/III да **Фурқат**, 4/III да **Тоға-жиянлар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/III да **Нурхон**, 4/III да **Раис уйланармиш.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Тошкентда биринчи марта **Нина** ва **Александр Капитановлар** раҳбарлигида **«Чангалзордаги ҳодиса»** номли аттракцион ва **янги программада томошалар.** Кеч соат 8 да бошланади

КИНО

Ҳўрланганлар (1-серия) «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Герольштейндаги саргузашт — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (1-зал да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги қайтиш — «ИСКРА» (I ва 2-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Цхнетилин Майя — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 3-20 ва кеч 6-50 минутда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да).

Сени излайман—«ИСКРА» (3-залда кеч соат 6-55 минутгача ва 10-20 минутда), «СПУТНИК» (2-залда кундуз ва кечқурун).

Тоғдан ёпирилган куч — НАВОИЙ номли (кеч соат 5 да ўзбек тилида).

«Оққуш кўли» балети — КИНО-ЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 12, 1-40, 4-40 минут ва кеч 9 яримда).

«Ташэнерго» қарамоғидаги **«ЭНЕРГОСБИТ»ГА**

электрик инженерлар

КЕРАК

Адрес: 1 Май кўчаси, 101-уй. Телефон—27-290.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

3 мартда

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ

концерти

Концертда: СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Шаҳодат Раҳимова, Ғулом Абдураҳмонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Дилором Шерова, Қундуз Мирнаримова, Эргаш Шукрудлаев, Карим Алиев.** Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Фозил Харротов, Анбар Мўминов**, филармония солистлари **Тўхта Йўлдошева, Ғафур Иноғомов, Қулаҳмад Қулабдуллаев, Симхо Аминовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕДИЦИНА НАШРИЁТИГА

медицина ва биология адабиётини ўзбек тилида таҳрир қилишдан тажрибаси бўлган

врачлар керак

Адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 12-уй.

Гражданлар диққатига!

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг **КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ**

аҳолига сотиш учун

1960 йилда Оржоникидзе районида 2 ва 3 хонали

ДАЧАЛАР ҚУРАДИ

Мурожаат учун адрес: Пролетар кўча 6-уй, 3-қават, 80-хона. Телефон—28-973, 28-566, 28-809.

Самарқанд дарвоза кўча, Оломон тупик, 3-уйда турувчи **Майнахон Мадалиевани**нг шу уйда турувчи Одилжон Мадалиевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

Полярная кўча, 2-уйда турувчи **Ҳамро Ёқубова-Наврўзбоева**нинг шу уйда турувчи Назрулла (Нарзулла) Ёқубовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-участка халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ. **ТОШКЕНТ, „Правда Востока“ кўчаси 26 уй**

КОММУТАТОР — 36334, 33262. **Редакция бўлимларининг телефонлари:** партия турмуши— 27604, Пропаганда — 31226. Саноат ва транспорт — 34524. Совет қурилиши — 27604. Қишлоқ хўжалиги — 34455. Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 34780. Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р 01606. Нашр. А. № 53.